

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ботирханов Обиджон Орифжон ўғли

Минтақавий бошқарув ва унинг самарадорлигини баҳолаш.
(Чортоқ тумани мисолида)
Таълим йўналиши: 5340200 “МЕНЕЖМЕНТ”(ишлаб чиқариш)

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ

Илмий раҳбар:

Ё. А. Жўраев

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
I боб: Минтақавий бошқарув тузилмаларини иқтисодий ривожлантиришнинг илмий асослари	
1.1. Минтақавий бошқарув ва уни олиб боришнинг вазифалари ҳамда воситалари	
1.2. Ўзбекистон Республикаси минтақавий бошқариш тузилмаси ва бошқарув органларининг фаолияти	
1.3. Хориж мамлакатларида минтақавий бошқаришга доир тадқиқотларни олиб борилиши	
II боб: Минтақа таркибидаги Чортоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий жihatдан бошқариш самарадорлиги	
2.1. Чортоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқарилиши	
2.2. Минтақанинг таркибий қисми сифатида Чортоқ туманининг иқтисодий бошқарилишидаги муаммолар	
III боб: Ўзбекистон минтақаларини ижтимоий-иқтисодий бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари	
3.1. Минтақавий бошқарувни янада эркинлаштириш, модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш йўналишлари	
3.2. Минтақа иқтисодиётини самарали бошқаришда давлатнинг ролини ошириш	
3.3. Минтақанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш	
Хулоса	
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги глобаллашув шароитларида минтақавий бошқарув ва унинг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигида минтақа иқтисодиётини бошқарилиши ва унинг самарадорлиги бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни юксак даражада баҳолаш мумкин. Чунки Марказий Осиё ҳудудида фақат бизнинг минтақада, яъни Ўзбекистонда тинчлик асосидаги иқтисодий ривожланишни устувор деб белгилаш мумкин.

Минтақавий бошқарувнинг салоҳиятли тарзда амалга оширилишини шундан билса бўладики, “иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013-йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди”¹.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида минтақаларни бошқаришнинг қонунчилик ва ҳуқуқий базаси яратилди, мақсадли минтақавий дастурларни, минтақаларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича бир қанча фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузасида Ҳокимият органларининг ислохотларини амалга ошириш тўғрисида яна бир бор тўхталиб ўтдилар.

Бироқ, минтақавий муаммоларга қизиқиш ортганлигига қарамасдан, Ўзбекистон Республикасида минтақавий сиёсат қандай бўлиши кераклиги (унинг миқийёслари, усуллари, объекти ва бошқалар) тўғрисида фикрлар охиригача такомиллашмаган. Минтақаларни иқтисодий ривожланишини давлат томонидан бошқаришдаги роли, унинг миқийёсларини ошириш, ўзгармасдан сақлаб қолиш, қисқартириш тўғрисида бахслар олиб бориш жараёнида бир қатор саволлар жавобсиз қолиб кетмоқда. Шу боис ушбу мавзу ўзига хос долзарб ҳисобланади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Минтақавий иқтисодиётни бошқариш ва уни самарадорлигини баҳолашга доир масалалар ривожланган мамлакатларда атрофлича ўрганиб борилади. Хорижий олимларнинг қатор илмий асарларида минтақавий бошқарувни ўрганишга йўналтирилган назарий асослар яратилган.

Ўзбекистонда минтақавий бошқаришни ўзига хос услубларини жорий этиш билан боғлиқ жараёнларнинг фундаментал-назарий ва амалий муаммолари И.А.Каримовнинг бир қатор асарларида ўрганилган. Шунингдек, Ё.Абдуллаев, Б.Тухлиев, М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, А.Ўлмасов каби иқтисодчиларнинг асарларида ёритилган.

Бироқ, минтақа таркибига кирган Чортоқ тумани мисолида, бошқариш самарадорлигини баҳолаш йўналишлари ва унда модернизация жараёнларини жорий этишнинг баъзи масалалари бўйича ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Ушбу муаммонинг кенг қўламлилиги битирув малакавий ишнинг шу мавзуда танлаш, унинг мақсад ва вазифаларни белгилашга олиб келди.

Тадқиқотнинг мақсади минтақавий бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва унинг ўзига хос аҳамиятини ёритиш ҳамда муаммоларини бартараф этиш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ечими ҳал этилди:

– минтақавий бошқарув ва уни олиб боришнинг вазифалари ҳамда воситаларини назарий жиҳатдан асослаш;

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. 18 бет.

- Ўзбекистон Республикаси минтақавий бошқариш тузилмаси ва бошқарув органларининг фаолиятини ифода этиш;
- хориж мамлакатларида минтақавий бошқаришга доир тадқиқотларни олиб борилишини ўзига хослигини изоҳлаш;
- Чортоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқарилишини таҳлил этиш;
- минтақанинг таркибий қисми сифатида Чортоқ туманининг иқтисодий бошқарилишидаги муаммоларни қрганиш ва аниқлаш;
- минтақавий бошқарувини янада эркинлаштириш, модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш йўналишлари бўйича ишланмалар яратиш;
- минтақа иқтисодиётини самарали бошқаришда давлатнинг ролини ошириш бўйича мулоҳазалар юритиш;
- минтақанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш тўғрисида фикрлар бериш.

Тадқиқот объекти бўлиб, минтақа таркибига кирувчи Чортоқ тумани иқтисодиётининг ривожланиши хизмат қилди.

Тадқиқот предмети сифатида Чортоқ туманини бошқаришнинг амалдаги тизими танланди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодиётини бошқарилишига оид асарлари; ушбу фаолиятга доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; минтақавий бошқаришга оид ва уни самарадорлигини баҳолаш бўйича маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Чортоқ туман ҳокимлиги, Чортоқ тумани статистика бошқармасининг маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: минтақавий бошқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича битирув малакавий иш доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- тумандаги коллеж ва бизнес мактабларида иқтисодий йўналишдаги фанлардан бир қатор мавзуларни ёритишда;
- туман ҳудудида иқтисодиётни бошқарилиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда.

Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, унинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб “Минтақавий бошқарув тузилмаларини иқтисодий ривожлантиришнинг илмий асослари” деб номланди. Унда минтақавий бошқарув ва уни олиб боришнинг вазибалари ҳамда воситалари назарий жиҳатдан асослаб берилди. Ўзбекистон Республикаси минтақавий бошқариш тузилмаси ва бошқарув органларининг фаолияти, шунингдек, хориж мамлакатларида минтақавий бошқаришга доир тадқиқотларни олиб борилиши тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Иккинчи боб “Минтақа таркибидаги Чортоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бошқариш самарадорлиги” деб юритилди. Бу бобда Чортоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқарилиши таҳлил этилган. Минтақанинг таркибий қисми сифатида мазкур туманнинг иқтисодий бошқарилишидаги муаммолари қрганилган.

Учинчи боб “Ўзбекистон минтақаларини ижтимоий-иқтисодий бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари” деб аталди. Мазкур бобда минтақавий бошқарувни янада эркинлаштириш, модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш йўналишлари, минтақа иқтисодиётини самарали бошқаришда давлатнинг ролини

ошириш масалалари кўтариб чиқилган. Шу билан бирга, минтақанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича ишланмалар яратилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида умумий натижалар асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

I БОБ. Минтақавий бошқарув тузилмаларини иқтисодий ривожлантиришнинг илмий асослари

1.1. Минтақавий бошқарув ва уни олиб боришнинг вазифалари ҳамда воситалари

Минтақа (регион) лотинча сўз бўлиб, илмий истеъмолга инглиз тилидан кириб келган ва 100 дан ортиқ турли мазмунда талқин қилиниши билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда илмий адабиётлар ва тадқиқотларда минтақа тушунчаси ижтимоий-иқтисодий, табиий-тарихий, сиёсий-ҳарбий ва экологик тизим сифатида қуйидаги: 1) дунё хўжалиги ва умумбашарий муаммолар, геосиёсий ва ҳудудий тақдор ишлаб чиқариш; 2) мегаиқтисодиётда – макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлил ёндашувларида кенг қўлланилмоқда¹.

Минтақавий бошқариш деганда муайян минтақадаги бошқарувни тушунамиз. Минтақавий бошқаришнинг назарий ва амалий йўллари ҳақида бир қанча қарашлар мавжуд. Бунинг асосий сабаби шуки, ҳудудий сиёсатнинг объекти ва мақсади ҳамда уни бошқариш воситалари ҳақида ҳар ким ҳар хил тушунчага эга. Маълумки бутун дунё тан олган иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш (Organisation for economic corporation and development-OECD) ташкилоти барча мамлакатлар тажрибаларини ўрганиб, умумлаштириб, муносибларни наشرдан чиқариб керакли жойларга тарқатади.

Уларнинг берган маълумоти бўйича бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда ҳудудий бошқарувнинг объекти бўлиб, ҳар хил турдаги ҳудудий бошқарув органлари ҳисобланади. Минтақадаги ҳаёт ва шарт-шароитдаги фарқ, бандлик ва ишсизлик ўртасидаги, маълум бир ҳудуднинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари, тадбиркорлик қилиш шарт-шароитлари ўртасидаги фарқлар минтақадаги иқтисодий бошқарувнинг у ёки бу даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Ҳудудий бошқарув давлатнинг иқтисодиёт ва бошқа соҳаларга аралашувини бир шакли сифатида амал қилади. Ҳудудий бошқарувни олиб боришдан мақсад ҳудудий миқёсда ҳар хил ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ташкил этишда ишгирок этувчи бошқарув идораларининг ўзаро мувофиқ фаолиятини ташкил этишдир.

Минтақавий бошқарувни ташкил этишда муайян воситалардан фойдаланилади. Мамлакатлар марказий ҳукумати, ҳудудий ва маҳаллий органлари жойлардаги ўзаро фарқларни камайтиришда фойдаланиладиган воситалар турли хил бўлиши мумкин.

Бу воситаларни танлашда қуйидаги омилларга асосланади: мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи; давлат тузилмаси; ички муаммоларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; ҳукумат тепасида турган сиёсий партияларнинг мақсади ва бошқалар.

Ҳудудий бошқарувнинг муаммоларни белгилаш ва уларни ҳал этишда мос воситаларни танлаш учун энг аввало ҳудудий беқарорликни келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш керак. Бундай сабабларга қуйидагилар мисол бўла олади:

-ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитлари орасидаги кескин фарқ.

-ҳудудларнинг самарадорлигини белгилашда асосий ўрин эгаллайдиган табиий ресурслар масшбаби, сифати ва фойдаланиш йўналишлари орасидаги фарқ. Бу омил нафақат қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, ўрмон хўжалиги ва қазилма бойлигига балки одамлар ҳаёти ҳамда саноатнинг ривожланиш шароитларига ҳам таъсир қилади.

-минтақанинг периферик ҳолати ва қандай жойда жойлашганлиги. Агар объект чекка жойда жойлашган бўлса, бу транспорт харажатларининг ошишига олиб келади. Натижада, нарх ҳам ўсиб товарни бозорда ўтказиш қийинлашади. Периферик ҳудуднинг транспорт ва коммуникация алоқалари ёмон бўлса, иқтисодий ўсиш мураккаблашади.

-ишлаб чиқаришнинг эскирган тизими, инновацияларнинг кечикиб киритилиши;

¹ Абдуллаев О. Минтақала рва мамлакатлар иқтисодиёти. –Т.: «Янги аср авлоди», 2009. 5 бет.

-агломерация ортиқчилиги (тармоқлараро алоқаларнинг ҳаддан ташқари ривожланганлиги) ёки етишмовчилиги (аҳоли кўплиги);

-мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари. (Масалан, қолоқ ҳудудларда иқтисодий ўсиш даврида янги-янги фирмалар юзага келади ва бу ҳўжалик ҳаётини фаоллаштиради. Стагнация даврида эса бу фаолият сустлашади).

-ҳом ашё ресурслари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда, турли хил хизматлар кўрсатишда таъсир қиладиган техник ривожланганлик даражаси;

-сиёсий шарт-шароитлар, умумий ва ҳудудий сиёсат шакллари, институционал омиллар: ўз-ўзини бошқариш даражаси, ривожланиш тари хи ва бошқалар;

-физик жойлашиш омиллари: аэропортлар, саноат майдонлари ва транспорт ва коммуникация тизимлари билан таъминланганлик, яъни ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

- фирмалар ёки маҳаллий тадбиркорлар томонидан асосланган кичик-кичик фирмалар устидан олиб бориладиган катта назорат;

- ижтимоий-маданий омиллар: урбанизация даражаси аҳолининг интеллектуал салоҳияти, илмий марказларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.

Юқоридагилардан ташқари яна бар неча сабаблар ҳудудларда кўпгина ижтимоий-иқтисодий беқарорликларни юзага келтириши мумкин:

– замон ва маконда олиб бориладиган иқтисодий ўзгаришларнинг интенсивлиги (масалан, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиш жараёнлари);

– иқтисодий микросиёсатнинг минтақаларда келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларини яхши ҳисобга олмаган ҳолда олиб борилиши (масалан, энергия ташувчилар ва транспорт каби аҳамиятга молик товар хизматлар нархини либераллаштириш оқибатлари);

– ҳукумат, маъмурият ва ўз-ўзини бошқариш органлари орасида ижтимоий муаммоларни ечиш ва иқтисодиётга таъсир қилиш борасидаги ҳуқуқий чекланиш жараёнларнинг тугамаганлиги;

– ягона иқтисодий муҳитнинг йўқлиги ҳамда минтақаларда маҳаллий товар ва хизматлар бозорининг шаклланиши;

– ҳукумат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва маълум бир субъектларга имтиёзлар белгилаш тизимининг яхши ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда тадқиқотчилар давлатни ҳудуд ривожланишига аралашувининг икки асосий мақсадини кўрсатишди:

1. Адолат, яъни иқтисодий жиҳатдан бошқаришни шундай ташкил этиш керакки, мамлакат ҳар бир ҳудудининг яшовчилари ўзлари истаган нарсага эришишлари учун тенг имкониятларга эга бўлишлари керак.

2. Самарадорлик, ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш потенциалидан умумжамиyat манфаатларини кўзлаб фойдаланишни талаб қиладди.

Бу икки мақсад биргаликда ёки бир-бирига қарама-қарши ҳолда келиши мумкин. Одатда иқтисодий ўсиш даврида биринчи мақсад, танглик даврида эса иккинчиси устунлик қиладди. Умуман олганда, турли хил ҳудудий иерархия даражасига эга бўлган давлатлар органларида айнан бир мақсад устувор бўлиши шарт эмас. Лекин, ҳудудий ва маҳаллий органлар олиб бораётган ҳудудий сиёсатлар ўртасида қандайдир бир мувофиқлик бўлиши шарт. Акс ҳолда минтақавий тенгсизликлар янада кўпайиб кетади.

Ҳар бир мамлакатда ҳудудий бошқариш доирасидаги вазифаларни марказий ва маҳаллий ҳукумат органларига бўлинишининг ўзига хос тамойиллари, макро ва микроинструментларни бирга олиб боришнинг ўзига хос схемалари мавжуд. Макроинструмент деганда биз монетар, фискал ва савдо сиёсатларини; микроинструмент деганда эса ишчи ва тадбиркорлар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиш воситаларини тушунамиз.

Умуман, унитар давлатларда ҳудудий бошқариш асосан макро ва микроинструментлардан бир хил даражада фойдаланиладиган марказий ҳукумат томонидан олиб борилади. Федератив давлатларда макроинструментдан эса субъектларнинг маъмуриятлари фойдаланиладилар.

Ёрқин мисол тариқасида Австралия мамлакатини олсак, унда ҳудудий бошқариш федерация субъектлари доирасида олиб борилади. Конституцияда белгиланишича марказнинг штатлар фаолиятига аралашуви қаттиқ чегараланган. Бу тизимнинг камчилиги шундаки, унда давлат манфаати кўзланган илмий техника сиёсатини олиб бориш қийин. Марказ бу ишни штатларнинг фаолиятига аралашмасдан олиб боролмайди. Штатларнинг ўзи эса бу муаммони ҳал қила олмайди. Бу ҳолат янги маҳсулот ва технологиялар яратиш бўйича мамлакатнинг оқсашига олиб келади.

Минтақавий бошқариш ҳозирги замон босқичининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши шарт.

Энди эса бозор механизми шароитида ҳудудий сиёсатнинг вазифаларини ва методларини кўриб чиқсак. Бизнингча минтақавий бошқариш қуйидаги асосий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим:

1. Ҳокимият ўтказадиган иқтисодий ислохотлар, тадбиркорларнинг маҳаллий шарт-шароитларга мослаштирилиши;

2. Ҳукумат ва маҳаллий органлар минтақавий бошқаришнинг бир-бирига мувофиқлаштирилиши;

3. Ижтимоий-иқтисодий ҳолатни барқарорлаштириш ва тангликдан чиқиб кетиш йўллари топиш;

4. Ҳаёт даражаси, ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш шароитлари ўртасидаги ҳудудий фарқларни минималлаштириш;

Бозор иқтисодиёти шароитида биринчи ва иккинчи муаммолар мувофиқлаштириш ва макросиёсат воситалари билан, қолганлари эса макро ва макросиёсатлари ёрдамида ҳал этилади.


Кўпинча тўртинчи муаммога етарли эътибор берилмайди. Бунга сабаб шуки, ҳаёт даражасининг пасайиши, иқтисодий ўсишнинг беқарорлиги шароитларида у ҳали бозор иқтисодиёти ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларидан бири бўлиб белгиланмаган. Корхоналарнинг банкротга учраш жараёни бошлангандан кейин яширин ишсизлик, у билан бирга иш ўринлари ташкил қилиш, ишсизликни бартараф этиш учун инвестициялар жалб қилиш муаммолари вужудга келади.

Ҳаёт даражаси ва ишлаш ҳамда тадбиркорлик қилиш шароитларидаги ҳудудий фарқлар биринчи навбатда ишчига бўлган талаб ва таклифнинг замон ёки маконга тўғри келмаслигидан келиб чиқади. Аввалги механизм бўйича ишчи кучига талаб ва таклиф муаммоларини давлатнинг ўзи ҳал қиларди. Воситаларни танлашда халқ хўжалиги манфаати кўзланган тамойил устунлик қиларди. Шунинг учун, ишлаб чиқариш ишчи кучи мавжуд жойда эмас, ишчи кучи ишлаб чиқариш мавжуд жойда шаклланиши кузатилган.

Бозор шароитида эса, бошқа қонуниятлар амал қилади. Ишчи кучини тақсимлаш ҳамда инвестиция олиб кириш устидан назорат қилиниши мумкин. Лекин, унинг таъсир доираси аҳамиятга эга эмас. Минтақавий сиёсатда асосан билвосита воситалардан фойдаланилади.

Замонавий вазият шундан иборатки, ҳукумат бир томондан меҳнат ва капитал орасидаги зиддиятни кескинлаштирадиган бозор механизмини йўлга қўйиши керак бўлса, иккинчи томондан, доимий равишда бу зиддиятларни бартараф қилиши керак. Бунда у яна меҳнат ва капиталга таъсир қилувчи, уларнинг номутаносиблигини камайтирадиган тадбиркорларни ишлаб чиқиш йўли билан бозор механизмидан фойдаланиш керак. Бу икки жараёни замон ва маконда бир-бирига сиғдириш жуда қийин.

Х. Армстронг ва Ж. Тейлор таклиф қилган схемалардан фойдаланиб, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг ҳукумати ва маҳаллий органлари қандай ҳудудий сиёсат инструментларидан кўрсатиб бериш мумкин.



1.1.1-чизма. **Минтақавий бошқариш сиёсатини олиб бориш воситалари¹**

ОЕСД экспертлари бу схемага ҳудудий бошқариш сиёсат инструментлари туркуми сифатида қаралаларди, биз учун улар катта қизиқиш уйғотди. Чунки, уларда биз учун яхши тартибда берилган. Схемада турли хил ҳолатларда фойдаланиш мумкин бўлган

¹ Басовский Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рўнка. -М.: ИНФРА, 2004. 260 стр.

худудий бошқариш сиёсатининг 3 гуруҳ воситалари берилган. Масалан, микросиёсатни олсак, аниқ бир инструментни танлаш қўйилган масалалар ва уларнинг ўзига хос ечимига боғлиқ. Лекин, турли хил қўйилган масалалар, шарт-шароитлардаги фарқларга қаралмасдан худудлараро муаммоларни ҳал қилиш воситаларини аниқлашда қандайдир умумий қонуниятлар мавжуд.

1.2 Ўзбекистон Республикаси минтақавий бошқариш тузилмаси ва бошқарув органларининг фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни (тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар билан) V бобида маҳаллий ҳокимият ижро этувчи органларининг тузилиши ва мазкур органлар фаолиятининг ташкилий асослари белгиланган¹.

Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, вилоят, туман, шаҳарда ижро этувчи ҳокимиятни ҳоким бошқаради. Ҳоким биринчи ўринбосарга ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда ўринбосарларга эга бўлади. Ҳоким ўринбосарлари, қоида тарзида, тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари жумласидан тайинланади ва тасдиқланади.

Вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимининг биринчи ўринбосари ва Ҳўринбосарлари ҳоким томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимдан олинади ҳамда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Туман ва шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори ҳоким билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимдан олинади ҳамда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Шаҳардаги туман ва туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори ҳоким билан келишилган ҳолда тайинланади ва лавозимдан олинади.

Юқорида зикр этилган қонун ҳужжатининг 22-моддасида маҳаллий ҳокимият ижро этувчи органларининг тузилмаси ва шталари белгиланган.

Маҳаллий ҳокимият ижро этувчи органлари (ҳокимиятлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан ташкил топади. Уларнинг тузилмаси, уларни ташкил этиш ва иш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Қонуннинг 25-моддаси ҳоким ваколатларини тартибга солади. Бунга кўра вилоят, туман, шаҳар ҳокими қуйидаги функцияларни бевосита бажариб боради:

– Олий Мажлис қонунлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, юқори органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил қилади;

– жамоат тартибини сақлаш ва жинойтчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва соқлиқини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширади, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа ғавқулудда ҳолатларда ишни ташкил этади;

– вилоят, туман, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий параметрларини ва уларнинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» Қонуни. 1993 йил 2 сентябрь.

– ўз ўринбосарлари ва ижро этувчи ҳокимият таркибий бўлимларининг раҳбарларини тайинлаш ва лавозимдан олиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

– ҳокимият аппарати бўлимларининг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимдан олади;

– қуйи ҳокимларнинг қарорларини бекор қилади ва қуйи халқ депутатлари Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис қонунлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек юқори халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳоким қарорларига зид бўлган ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномаларни халқ депутатлари Кенгашининг эътиборига ҳавола этади;

– раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тайинланадиган ва лавозимдан олинадиган ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлимларининг ишини назорат қилади;

– халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қарорларини бажармаган мансабдор шахсларни интизом жазосига тортиш тўғрисидаги тақдимномани қонунда белгиланган тартибда киритади;

– мурожаатномаларни кўриб чиқади ва давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳақида таклифлар киритади;

– республикада ва хорижда вилоят, туман ва шаҳарнинг расмий вакили сифатида иштирок этади;

– фуқароларни қабул қилишни ташкил этади, уларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқади.

Ҳоким қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатлари жумласига киритилган вилоят, туман, шаҳар мол-мулкни ҳисобга олиш, бошқариш, режалаштириш, бюджет, молия, ҳар хил мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан ўзаро алоқа қилиш, қишлоқ хўжалиги, ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо, ижтимоий-маданий хизматлар кўрсатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади.

Умуман олганда давлат бошқарувини бажарувчи субъектлар асосан 3 (уч) ҳокимият томонидан амалга оширилиб, булар: Қонун чиқарувчи (Олий Мажлис), бажарувчи (Вазирлар маҳкамаси, ҳокимиятлар) ва суд тизимида хизмат қиладилар. Иқтисодий ҳудудий бошқарувида ушбу ҳокимиятнинг вилоятдаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Давлат бошқарув объектлари - бу тармоқлар соҳалар, минтақалар, турли вазиятлар, можаролар ва ҳоказо бўлиб масалан:

- иқтисодий цикллари;
- хўжаликларни минтақавий, таркибий секторлари;
- капитал жамғариш шароити;
- бандлик даражаси;
- пул муомаласи;
- нарх-наво;
- тўлов баланси;
- рақобат таркиби;
- кадрлар тайёрлаш ва қайта ўқитиш;
- ижтимоий муносабатлар;
- атроф муҳит;
- ташқи иқтисодий алоқалар каби шаклида ўрганилади.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлат тизимини ички ва ташқи хавфлардан сақлаш, ўзгариб бораётган шароитларга мослаштириш, халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

1.3. Хориж мамлакатларида минтақавий бошқаришга доир тадқиқотларни олиб борилиши

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг регионал жиҳатларига эътиборни ўсиб бориши регионал ривожланиш ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш соҳаларида назарий ислохотларнинг сезиларли кўпайишига олиб келди.

Лекин, ҳудудий иқтисодиёт – бошқа соҳаларга нисбатан ёш фан бўлса ҳам, уни эндигина шаклланишга дейиш нотўғри. Сиёсий иқтисодиёт Адам Смит ва Давид Рикардоларнинг классик сиёсий иқтисодиётидан бошлангани каби, регионал иқтисодиёт таълимоти ҳам ўзининг классикларига эга: немец – олимлари Иоганн Тюнен, Альфред Вебер, Вильгельм Кристаллер, Аугуст Леш, Рус олимлари – Н.Н.Баранский, Н.Н.Коловский ва бошқалар.

И.Тюнен кишлоқ хўжалиги корхоналари харажатлари ва даромадларига жой омили таъсир қилишини кашф қилди ва шу йўл билан у – жой корхоналарнинг маълум соҳада ихтисослашишига таъсир кўрсатишини исботлаб берди.

А.Веббер айрим саноат ташкилотларига жойлаштиришда таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаб ва анализ қилиб саноат «стандарти» (жойлаштириш омили) назариясини ишлаб чиқди. У ҳам барча корхоналарни бир мажмуа сифатида жойлаштириш. Умумий назариясини ишлаб чиқиш фикрини илгари сурди, лекин бу фикрни амалга ошира олмади.

В.Кристаллер бу масалани бошқа томондан ҳал қилишга киришди, яъни ишни жойлаштирилувчи объектдан (яъни корхона ташкилотдан) эмас, жойлаштириш ўрни, нуқтасидан бошлади. У давлатнинг иерархал ва территориал структурасини ташкил топишида шаҳарлар ва агломерацияларнинг ролини кўрсатиб бериб «марказий жойлар» назарияси ўта қатъий концепциясини яратди ва асослаб берди.

А. Леш – Вебер ва кристаллерлар фикрини янги иқтисодий район («Иқтисодий ландшафт») концепциясида бирлаштиришга ҳаракат қилди.

Шундай қилиб, шу даврнинг ўзида у ёки бу даражада регионал таълимотнинг асосий йўналишлари аниқ белгиланди:

- Маҳаллийлаштириш ёки жойлаштириш йўналиши – корхона жойлаштириш учун энг қулай жой топишни олдига мақсад қилиб қўяди.

- Шахсий регионал йўналиш – кўрсатилган жойда, ҳудудда оптимал хўжалик структурасини топишга ҳаракат қилади.

- Комплекс йўналиш – локал ва регионал муаммоларни умумий, ягона назария ва услуб билан бирлаштиришга ҳаракат қилади.

1909 йилда яратилган, немец олими Вебернинг назарияси биринчи мантиқан аниқ мўлжалланган ва мнтазам саноатни жойлаштириш назарияси эди.

Вебер назариясининг асосий жойларини қуйидагича санаб ўтиш мумкин:

1. Микроиқтисодий ёндашувдан фойдаланиб, автор алоҳида корхоналарни жойлаштиришда оптимал қонун қабул қилишнинг методологик схемасини тузади.

2. Алоҳида корхонанинг харажатларини минималлаштириш – бу уни жойлаштиришнинг асосий мезони ҳисобланади.

Вебер «стандарт омили» ёки жойлаштириш омили тушунчасини фанга киритади. У буни қуйидагича таърифлайди: «Одатда аниқ бир жойда амалга оширилувчи иқтисодий фаолият натижасида пайдо бўлувчи қандайдир аниқ кўрсатилган устунлик». Вебернинг фикрича, корхона жойлаштириш учун жой танлашда қуйидаги 3 та омил катта таъсир кўрсатади:

- а) транспорт харажатлари (асосий);
- б) ишчи кучига харажатлар;
- в) агломерация.

Вебер назарияси осонлаштирувчи усуллар қатори ёрдамида қурилган эди. Шунинг учун бу назарияда ҳудудни абстракт ҳимоялаш, тежаш (бунда керакли ресурсларнинг доимо бўлиши кўзда тутилади), тармоқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, ташқи савдонинг роли, давлатнинг ичида турли хил иқтисодий районларнинг бўлиши ва бошқалар кўриб чиқилади.

Узоқ йиллар мобайнида чет эл ҳудудий концепцияларида ишлаб чиқаришни жойлаштириш омилларига бўлган қарашларида сезиларли эволюцион ўзгаришлар юз берди:

- Корхонани жойлаштиришда микроиқтисодий баҳолашдан макроиқтисодий баҳолашга ўтилиши

- Эски омиллар ролининг ўзгариши ва янги омиллар (илмий тадқиқот базаси, давлатнинг иқтисодиётини бошқаришнинг)нинг пайдо бўлиши, агломерация омилига бўлган эътиборнинг ошиши, «инфраструктура» тушунчасининг киритилиши.

- Ишлаб чиқаришни жойлаштириш омилларини ўрганувчи методик аппаратнинг ривожланиши (эволюцияси) омиллар таъсири ҳисобини тартибга солиш.

Америкалик олим У.Алонсоннинг фикрича давлатларнинг ривожланиши шароитида саноат корхоналари жойлашиш ўрнини асосан ташқи омиллар белгилайди (яъни ҳудуддаги иқтисодий қамров).

Буларга асосланган иқтисодиёт ҳам ашё манбаига яқин, лекин муттаҳасис ишчилар йўқ жойларда жойлаштириладиган корхоналар иқтисодини қоплаши мумкин. Алонсон фикрича, бундай шароитлар катта шаҳарларда ва улар атрофидаги жойларда жойлашган саноат концентрацияларни тўлалигича қониқтиради.

Аугуст Леш бутун давлат миқёсида бутун хўжаликни жойлаштиришнинг назарий муаммоларини кўриб чиқди ва шу билан барча иқтисодий районларга катта эътибор қаратди. Вебернинг «ишлаб чиқаришда кам харажат» назариясидан фарқли ўлароқ, у ишлаб чиқаришни жойлаштиришни белгиловчи деб максимум даромад олиш деб ҳисоблади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги масалаларни кўриб чиқиш жараёнида Леш катта эътиборни тайёр маҳсулот сотиладиган бозорга қаратди. Унинг иқтисодий районлаштириш назариясининг асосида «Бозор муҳити» деб аталмиш, «иқтисодий кучлар» ўзаро алоқаси ва қарама-қаршилигини белгиловчи – йириклашиш ва кичрайиш тенденциялари ётади. Ихтисослашиш ва оммавий ишлаб чиқариш ва транспорт харажатлари камаювчи кучларни билдиради.

Леш назарияси фаразларга асосланади. Шу йўл билан у муҳитни мувозанатли деб фараз қилади ва у ерда ҳам ашё ва ёқилғи етарли миқдорда мавжуд ҳамда тенг миқдорда жойлаштирилган деб ҳисоблайди. Бундай шароитларда иқтисодий районларнинг ўта рационал формаси – олтибурчаклар (асалари уяси формаси) формаси бўлиб, унда натижада муҳит максимал тўлдирилади. Олтибурчак формали иқтисодий районлар шаҳобчалари ўзининг хўжалигининг ривожланиши жараёнида иқтисодий марказни – катта шаҳарни вужудга келтиради.

Иқтисодий минтақалар ривожланишининг шундай аталмиш «оддий шароитлар» билан бир қаторда «мураккаб шароитлар» қаторини ҳам кўриб чиқди. (булар – иқтисодий тартибларнинг хилма – хиллиги, нархлар ва темир йўл тарифларидаги фарқлар, табиатдаги ўзгаришлар, сиёсий тартибнинг хилма – хиллиги, миллий урф-одатлар ва бошқалар.)

«Регионал таълим» терминини фанга Америкалик иқтисодчи Уолтер Изард киритган. Унинг фикрича, регионал таълим, «регионал иқтисодиёт»га нисбатан кенг қўламли бўлиб, у муҳитни, регионалларни, лакацияларни (жойлаштириш ўринларини) ва уларнинг системаларни ўрганиш керак.

У.Изард жойлаштиришнинг умумий назариясини яратиш мақсадида Вайгмон, Вебер ва бошқаларнинг қатор ишларини жамлади ва текширувдан ўтказди.

Юқорида айтиб ўтилгандек Изард «регионал таълимот» назариясини киритди.

Уолтер Изард (АҚШ), В.Леонтьев (АҚШ), П.Хагетт (Англия) ва бошқалар замонавий регионал таълимотининг буюк намоёндалари саналишади. Улар регионал режалаштириш ва иқтисодий башоратда бир қатор ишларни амалга оширишди, У.Изард ва В.Леонтьев. 50-йиллар бошида биринчи халқаро алоқаларнинг қўптармоқли моделини ишлаб чиқдилар. Изард модели – жуда таниқли ҳисобланади.

Маҳаллий ҳокимиятни демократик ташкил этишнинг икки тизими: Англия-Америка ва Европа тизимлари мавжуд.

Буюк Британияда маҳаллий ҳокимият органлари XIX-XX асрлар оралиқидаёқ катта ваколатлар олганлар, аммо 1970-1980 йилларда марказий ҳокимият маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга (айниқса, молия ва солиққа тортиш соҳаларида) яна бир қатор чеклашлар жорий қилди.

АҚШда маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига берилган ваколатлар соҳасида деярли тўлиқ мустақилдирлар. Кўпгина ваколатлар ва фаолият соҳалари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўлинига берилган бўлиб, нафақат федерал ҳокимият органлари, балки штатларнинг раҳбар органларининг ҳам бирон-бир аралашувисиз амалга оширилади. Бунда маҳаллий органлар фаолияти штатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, чунки федерал ҳокимият штатлар ва маҳаллий ҳокимият раҳбарияти ўртасидаги муносабатларга 1868 йилдан бери деярли аралашмайди. Барча штатларнинг конституцияларига маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақамлайдиган моддалар киритилган, аммо мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар турли штатларда ҳар хил. Масалан, Миссисипи ва Алабамада қонун ҳужжатлари рўйхати анча қисқа, бошқа штатларда эса, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалалари мазкур штатларнинг конституцияларида батафсил ёритилган⁴.

Англия-Америка тизими бошқарувнинг давлат, федерация субъекти ёки давлат-мустақил минтақасидан паст барча бўқинларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бунда умумий хусусиятга эга маъмурий-худудий бирликлар бўлмайди. қонун чиқарувчи ҳокимият функцияларини маҳаллий палата, ижро этувчи ҳокимият функцияларини эса – префектлар, супрефектлар, маҳаллий префектлар амалга оширади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қиладилар, маҳаллий солиқларни белгилайдилар ва ундирадилар, маҳаллий хизматларни, шу жумладан транспорт, савдо хизматларини, қурилишни ташкил этадилар, маданий, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қиладилар ва ҳ.к.

Европа тизими маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий бошқарувни ўзида мужассамлаштиради. Европа Кенгаши 1985 йил 15 октябрда қабул қилган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси 3-моддасининг 1-қисмига асосан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун доирасида, маҳаллий аҳоли манфаатларида фаолият кўрсатиб, давлат ишларининг катта қисмини тартибга солиш ва уни бошқариш ҳуқуқи ва реал лаёқати тушунилади.

Бунда маҳаллий бошқарувга маъмурий назорат қилиш, яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қабул қилган ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш ваколатлари берилади. Мазкур ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан судга шикоят бериш мумкин. Ўз навбатида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга ҳақлидирлар.

Бир қатор давлатларда ўзини ўзи бошқаришнинг аралаш моделлари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Мазкур моделлар Англия-Америка ва Европа тизимларининг унсурларини ўз ичига олади, шунинг учун ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг Европа тизими ўз тур хилларига эга.

⁴Современные Соединенные Штаты Америки. -М.: 1988. С. 79.

1) Бошқарувнинг барча бўғинларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий бошқарувни бирлаштириш (масалан, Италияда):

- **вилоятдан қуйи бўғинларда** – провинциялар ва коммуналарда фақат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – Кенгашлар ташкил этилади. Давлат бошқаруви вазифаларини бажариш Вазирлар Кенгаши томонидан тайинланувчи префект зиммасига юкланади;

- **коммунада** давлат бошқаруви функцияларини синдик – тайинланадиган давлат хизматчиси бажаради.

2) Бошқарувнинг қуйи бўғинидаги ўзини ўзи бошқариш билан бошқарувнинг олий бўғинидаги давлат бошқаруви мушпараклигини таъминлаш (масалан, Польшада):

- **жамоа (гмина)**да фақат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш – сайлаб қўйиладиган Кенгаш фаолият кўрсатади. Улар ўз таркибидан жамоа бошқарувини ва ижро этувчи органлар – Бургомистр, Президент, Войтни сайлайдилар;

- юқори бошқарув бўғинлари – воеводстволарда фақат маҳаллий бошқарув – Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан тайинланадиган ва чақириб олинadиган Воеводалар, уларнинг ўринбосарлари фаолият кўрсатади.

3) Давлат мақомига эга бўлмаган тобе ҳудудларда (Нидерландия, Британия мулклари, Франция колонияларида) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш метрополиянинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари устидан қаттиқ маъмурий назорати билан тавсифланади:

- бошқарув давлат – метрополия бошлиқи томонидан тайинланадиган губернаторлар, олий комиссарлар томонидан амалга оширилади;

- маҳаллий аҳоли томонидан сайланadиган вакиллик органи фақат губернатор имзолаганидан кейин кучга кирadиган ҳужжатларни қабул қилади.

Шаклланиш тартиби ва ваколатларининг тақсимланиши тартибига қараб, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг икки асосий модели: парламент ва президент бошқарувини ажратиш мумкин.

Парламент модели шу билан тавсифланадики, маҳаллий маъмурият бошлиқини маҳаллий вакиллик органи ўз таркибидан сайлайди.

Президент модели шу билан тавсифланадики, маҳаллий маъмурият бошлиқини, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошқа мансабдор шахслари (ғазначи, прокурор, судья, шериф)ни аҳоли ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг вакиллик органи сайлайди. Бундай модель АҚШда амал қилади. Бу ерда шаҳар мэрлари Шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан сайланади ва вакиллик функцияларини бажаради, шаҳар маъмурияти бошлиқлари эса Кенгаш томонидан ёлланган бошқарувчилар бўлиб, ижро этиш функцияларини бажаради.

**II-боб. Минтақа таркибидаги Чортоқ туманининг
ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бошқариш самарадорлиги**

2.1. Чортоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқарилиши

Чортоқ тумани Наманган вилояти таркибига кирувчи туман бўлиб, Ўзбекистон Олий Советининг 1950-йил 15-апрелдаги 31-сонли қарорига асосан ташкил этилган. Туман маркази Чортоқ шаҳри ҳисобланади. Мазкур туманнинг умумий майдони 377,8 км², аҳолиси 178900 кишини ташкил этади¹.

Ўзбекистон минтақаси таркибига кирувчи Чортоқ тумани шимолдан Қирғизистон Республикасининг Ахсу тумани, жанубдан Наманган вилоятининг Уйчи, Наманган туманлари, шарқдан Уйчи ва Қирғизистон, ғарбдан Наманган туманига чегарадош. Чортоқ тумани ҳудуди денгиз сатҳидан 460 метр баланд бўлиб, тоғ олди адирликка тўғри келган жойда жойлашган. Иқлими континентал ҳисобланса-да, тез ўзгариб туради.

2.1.1-жадвал

Чортоқ туманининг умумий ҳудуди ва ер майдони

Туманнинг умумий майдони (ер майдони)	қв км.	36985,0
шу жумладан		
Чегаранинг умумий узунлиги	км	173,5
Шу жумладан бошқа ҳудудлар билан:		
Шимолдан Қирғизистон Республикаси билан	км	58,0
Шарқдан Уйчи тумани билан	км	29,6
Ғарбдан Янгиқўрғон тумани билан	км	84,4
Жанубдан Наманган тумани билан	км	1,4

Об-ҳавони иссиқ даври 210-230 кунни ташкил этади. Ёз ойларида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қуруқ-нам ва иссиқ бўлади. Қуёшли давр бир ойда 125-339 соат атрофида, қиш даври 1,5-2 ой давом этади. Ёзнинг энг иссиқ оyi – июль оyi бўлиб, ҳавонинг ўртача иссиқлиги бу ойда 36-38 даража атрофида бўлади. Бундай қулай иқлим иқтисодиётни аграр тармоғини ҳамда соғломлаштириш муассасаларини, дам олиш масканлари ва саёҳатчиликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратади.

Тоғ ва тоғ олди зоналарида эса ҳаво салқин, намлиги юқори бўлиб, бу жойларда кўплаб дам олиш масканлари жойлашган. Бу ҳудудлар иссиқ минерал булоқларга бой. Айниқса, Ҳазратишох, Гулшан, Боғистон ҳудудларида жойлашган сувлари шифобахшлиги билан шухрат қозонган. Экологик жиҳатдан сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имкони мавжуд.

Чортоқ туманида шифобахш масканлар аҳолининг соғлиғига оид эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Бу ерда кўп тармоқли «Чортоқ санаторийси», «Гулшан» сихатгоҳи, «Эркин» сихатгоҳи ва «Чортоқ болалар» сихатгоҳлари фаолият кўрсатадилар ва Республикаимизнинг турли вилоятларидан даволанувчилар келиб даволаниб кетадилар.

¹ Маълумот 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига тўғри.

Чортоқ тумани асосан суғориладиган деҳқончилик ва боғдорчилик регионидир. Унинг ҳудудидан катта Наманган ва Шимолий Фарғона каналлари ўтади. 1 та сув омбори, Чортоқ Сой ва Катта Наманган Канали орқали асосан экин майдонлари насослар ёрдамида суғорилади. Бу ер ҳудудларида боғдорчиликка хос табиий муҳит яхши ривожланган.

Ҳар бир ҳудуднинг тарихи бор бўлганидек, Чортоқ туманининг номи ҳам ўзининг тарихига эга. Бу ҳудудни Чортоқ деб аталишига қўп асослар бор. Масалан, туманда мавжуд бўлган бешта археологик ёдгорлик-тепалар Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих институти томонидан ўрганиш учун рўйхатга олинган. Булар «Дўст тепа», «Мозор тепа», «Тобол тепа», «Оқ ер тепа», «Уч тепа» тарихий ёдгорликлардир.

IX-X асрларда яшаган араб сайёҳлари Ибн Хордадбек ва Истахрий томонидан битилган ёзма манбаларга кўра Чортоқ сўзи "тўрт тахт" деб деган маънони англатади. арабчада бу "Чор тахт" деб юритилади.

Бундан ташқари ушбу ҳудудга келган меҳмонлар маҳаллий аҳолининг тўрт томонида тоғ, тепаликлар борлигини кўриб, Бу ерларни тўртта тоғни оралигидаги ерга қиёслаб «Чор тоғ» деб юрган экан. Кейинчалик бу сўз Чортоқ шаклига кирганлиги тарихий манбаларда қайд этилади.

Чортоқ тумани ҳудуди жиҳатидан қадимий ҳисобланади. Чортоқдан энг гўзал, хушманзара ва мафтункор маскан-Пешқўрғон ҳақида «Бобурнома»да алоҳида зикр этилганлиги бу туманинг ўтмиши ҳозирги бекиёс табиатига, гўзаллигига уйғун бўлганлиги далилдир. Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурномаси»да Чортоқ сўзига тўхталиб, бу сўз ўзаро алоқани мустаҳкамлаш воситаси эканига ишора қилиб, қуйидаги ибораларни келтирган: «Муҳаммад Махсу Мир эди. Кандахорни онга бериб эди. Хирига келтирганда улуг тўй қилиб яхши Чортоқ боғлади»¹. Бу ерда Чортоқ атамаси тўрт бурчакли чодир, тўрт гумбаз маъноларини билдириши ифода этилган.

Чортоқда аксарият аҳоли ўзбек миллатига мансуб (175813 киши). Туманда 2013 йилга тегишли маълумотларга кўра олганда 2439 киши қирғиз миллатига ва 265 киши татар миллатига мансуб бўлиб, шунингдек, украинлар (93 киши), руслар (80 киши), қozoқлар (60 киши) ва тожиклар ҳам истиқомат қиладилар. Яна 106 киши бошқа 7 хил миллат вакиллари. Демак аҳолининг 98,3 фоизини (2012 йилда 98 фоиз) ўзбеклар, қолганини эса бошқа миллат (қирғизлар 1,36%, татарлар 0,148%, тожиклар 0,02%, руслар 0,044%, ва бошқа миллатлар 0,06%) вакиллари ташкил этади.

Таҳлилларга кўра, Чортоқ туманида аҳоли сони ўсиб бормоқда. Бу 2.1.2-жадвал маълумотларида кўриниб турибди. Хусусан, 2011 йилда аҳолининг ўсиш суръати 2010 йилга нисбатан олганда 102,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда (2011 йилга нисбатан) 102,6 фоизни ва 2013 йилда эса (2012 йилга нисбатан) 101,8 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, 2010-2013 йиллар мобайнида Чортоқ туманида аҳолининг ўсиш суръати ўртача 102,2 фоизга тенг бўлди. Туман ҳудудида яшайдиган ҳар бир миллат вакиллари Ўзбекистон Республикаси бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида ўзларининг меҳнат фаолиятларини ташкил этадилар.

Туман маркази – Чортоқ шаҳри аҳоли сони бўйича вилоятда 8-ўринда туради. Туман аҳолисининг зичлиги ҳар 1 км² га 460,0 кишига тўғри келади. Чортоқ туманида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари яхши ташкил этилган. Туман ҳудудидаги Чортоқ шаҳрида 12 та Маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Туман ҳудудидаги 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинида эса 41 та Маҳалла фуқаролар йиғини бор.

Маҳаллий аҳолининг турмуш даражаси яхши ривожланган. Ҳудудда ижтимоий ва иқтисодий инфратузилма объектлари ўз фаолиятини олиб борапти. Шунингдек, туманда 1 та тарихий меъморлик обидалари ва зиёратгоҳлари мавжуд бўлиб, Балиқлик Мозор, зиёратгоҳи шулар жумласидандир.

Асосий ишлаб чиқариш тармоқлари пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, узумчилик, боғдорчилик ва пиллачиликдан иборат. Туман ҳудудидан катта

¹ Қаранг: Чортоқ тумани паспорти. 2013 йил.

Наманган ва Шимолий Фарғона каналлари ўтади. Шунингдек Андижон-Наманган темир йўли шу ҳудуддан ўтади.

2.1.2-жадвал

Чортоқ тумани аҳолисининг миллатлар бўйича таркиби¹

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 йилни 2012 йилга нисбати фоиз
Ўзбеклар	159877	163798	168164	172639	175813	101,8
Руслар	79	80	74	78	80	102,5
Қирғизлар	2972	3042	2426	2432	2439	100,2
Тожиқлар	16	16	35	41	44	107,3
Татарлар	225	228	252	263	265	100,7
Қозоқлар	51	53	53	57	60	110,5
Украинлар	90	90	90	92	93	101,1
Бошқалар	90	93	96	98	106	108,1

Паррандаларнинг уй турларидан товуқ, ўрдақ, ғоз, қурқа, тоғус боқилади. Бедана, қаптар, қалқик сингари туғқинда бўлмаган қушлар бор.

Қазилма бойликларига нефть, газ, оҳақтош, гил тупроқ, минерал сув булоқлари қиради. Тоғолди ҳудудларида тошлардан қурилиш материали сифатида кенг фойдаланилади. Тупроғидан сифатли пишик ғиш тайёрланади.

Чортоқ туманининг жойланиш ўрни ва табиати иқлим шароити жиҳатидан қулай минтақада жойлашганлиги учун инфратузилма шароитлари ҳам яхши шаклланган. Туманда давлат бошқарувини маҳаллий идоралари, банк тизими, солиқ ва бошқа ташкилотларнинг бўлинмалари фаолият кўрсатиб турибди.

Чортоқ тумани ҳудудида 2013 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан бирга саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш, эскирган технологияларни модернизация қилиш яъни янги технологияларни олиб қириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар турларини кўпайтириш борасидаги ишлар амалга оширилди.

2013 йил якунига қўра саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 21619,4 млн. сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 20627,7 млн. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 130,7 фоизни ташкил этди.

Халқ истеъмоли молларининг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи 74,5 фоизга тенг бўлди. Аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 116,3 минг сўмга тўғри келди.

Туманда саноатнинг етакчи тармоқларидан енгил саноатда тўқимачилик, пойабзал, мебел ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари, машинасозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларига қарашли корхоналар ривожланиб, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоқли хиссаларини қўшиб келмоқда.

2.1.3-жадвал

¹ Жавдал муаллиф томонидан Чортоқ тумани ҳокимлигининг ахборот-таҳлил бўлимида олинган маълумотлар асосида тузилган.

Чортоқ тумани иқтисодиётида банд бўлган аҳоли

бирлиги: минг киши

Тармоқлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Жами	58,9	60,2	63,6	64,5
шу жумладан				
Кишлоқ хўжалигида	17,8	18,3	19,4	19,7
Саноатда	7,7	7,8	8,3	8,4
Қурилишда	4,4	4,4	4,7	4,8
Транспортда	0,9	0,9	1,0	1,0
Алоқада	0,7	0,7	0,8	0,8
Савдо, умумий овқатланиш моддий таъминот	5,6	5,7	6,0	6,0
Уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат	2,0	2,0	2,2	2,2
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	4,7	4,8	5,1	5,2
Халқ таълимида	3,9	3,9	4,2	4,3
Маданият ва саънат	3,4	3,4	3,6	3,6
Сўғурта, молия, ва нафақа жами	0,3	0,3	0,3	0,3
Бошқарув органларида	1,2	1,2	1,3	1,3
Бошқа соҳа ва тармоқларда	6,3	6,5	6,8	6,9

Дастурнинг янги иш ўринлари яратиш топшириғига мувофиқ 2013 йилда жами 4820 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, 2013 йил якуни билан 4855 та янги иш ўринлари яратилди ёки бу кўрсаткич йиллик дастурга нисбатан 100,7 фоизни ташкил этди. Иш жойларининг 3824 таси (79,0%) қишлоқ жойларда яратилди. Жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 1650 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 260 та, оилавий бизнес ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 310 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 133 та, ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига 290 та, бозор инфратузилмани ривожлантириш ва ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 40 та ҳамда уй меҳнатини ташкил қилишда 371 та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида аграр соҳанинг тугган ўрни, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ислохотни босқичма-босқич амалга ошириб бориш ва ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқмоқда.

Қишлоқда янгича хўжалик юритиш механизмининг, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ва сўғурта қилишнинг янги тизимини, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа келтирилаётган техника, ёқилғи ва минерал ўғитлар учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобнинг асослари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2013 йилда жаъми қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмининг асосий қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиётнинг аграр секторида мустаҳкам ва барқарор ривожланиш таъминланди.

**Чортоқ туманида Давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи
субъектлар таҳлили¹**

(01.01.2014 йил ҳолатига)

Кўрсаткичлар	Жами	Кичик бизнесга мансуб бўлмаганлар	Кичик ва микро корхона ва ташкилотлар
Давлат рўхатидан ўтган юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони	848	240	608
Давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс мақомига эга бўлган фаолият кўрсатаётган субъектлар сони	774	235	539
Туман бўйича фаолият кўрсатмаётган юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони	74	5	69
Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони	75	2	73
Тугатилган корхона ва ташкилотлар сони	89	1	88

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш структураси тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштиришда илмий асосланган усуллар жорий этилди. 2013 йил якуни билан туманда қишлоқ хўжалигида 204745,0 млн. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2012 йилга нисбатан 110,3 фоизга ўсди.

Чорвачиликдаги ялпи маҳсулот қиймати 73912,0 млн. сўм ёки умумий ялпи маҳсулотдаги улуши 36,1 фоиз, ялпи ўсимчилик маҳсулотлари 130833,0 млн. сўм ёки умумий ялпи маҳсулотдаги улуши 63,9 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликларида 65087,9 млн. сўм маҳсулот ишлаб чиқарилди, деҳқон хўжаликларида эса 67,0 фоизни ташкил этди. Жами ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қийматининг 31,8 фоизи фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Туманда 29,6 минг та деҳқон хўжаликлари бўлиб, 29 нафари юридик мақомга эгадир. Туманда барча турдаги хўжаликларда 4744 тонна пахта (94,2%) етказиб берилди, 30742 тонна галла (ўтган йилга нисбатан 105,2%), 18056 тонна картошка (114,6%), 62135 тонна сабзавот (111,1%), 3576 тонна полиз (114,8%), 23503 тонна мева (117,6%) ва 11691 тонна узум (118,3%), чорвачилик маҳсулотларидан 6904 тонна гўшт (108,0%), 37486 тонна сут (109,9%), 16559 минг дона тухум (132,4 %), 95,0 тонна жун (111,9%) ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида қорамол бош сонлари 47685 бошни (100,0%), шу жумладан сигирлар 12844 бошни (100,1%), қўй-эчкилар 40207 бошни (100,1%), парранда 150041 бошни (116,8 %) ва отлар 829 бош (100,2%), асалари 1830 та оилани (100,3 %) ташкил этди.

¹ Жадвал муаллиф томонидан тузилган. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар фермер хўжаликларисиз ҳисобланган.

Чортоқ туманида бозор муносабатларини таркиб топиши¹

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Олинган фойда	млн. сўм	7511	1134	1935	2686	2815
Маҳаллий бюджетнинг бажарилиши						
Даромад	млн. сўм	7923,6	8785	11603	12686	16836
Харажат	млн. сўм	22633	29837	36075	45719	54031
Касса тушумининг бажарилиши						
Тушум	млн. сўм	36233	36342	36507	39507	40214
Ўртача бир ишловчининг						
ойлик иш ҳақи	сўм	388924	507902	567656	623904	672503

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли қарорини туманда бажарилишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Туманда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва нархларни барқарорлигини сақлаш бўйича ишлаб чиқилган. 2013 йил якуни билан 2,2 гектар хавзада 8 та балиқчилик хўжаликлари ташкил этилиб уларда 35 тонна балиқ овланди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Республика Ҳукумати томонидан ижтимоий инфратузулма тизимини мустаҳкамлаш ва босқичма-босқич қайта барпо этиш устувор йўналиш қилиб белгиланди.

2013 йил якуни билан барча манбалар ҳисобига 53440,1 млн. сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,7 фоизга ўсишга эришилди.

Пудратчи ташкилотлар томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми 62482,7 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,0 фоиз ўсишга эришилди.

2013 йил давомида тоза ичимлик суви ва табиий газ тармоқлари тортилиши амалда 4,9 км (режа 4,6км), ичимлик суви ва 23,8 км (режа 17,3 км) тортилиб ишга туширилган ва режа ортиги билан бажарилган.

Туманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 517-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодиёт комплекси иши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариб, молиявий ҳолатни барқарорлаштириш, тўлов интизомини ҳамда пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди:

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чортоқ тумани статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

- нақд пул тушуми устидан қатъий назорат ўрнатилди;
- тижорат банклари томонидан лойиҳаларнинг самарадорлиги ва харажатларни қоплашдан келиб чиққан ҳолда кредитлар ажратилиши устидан назоратни кучайтирилди.
- маҳаллий бюджет тақчиллигини инфляциясиз қоплашга босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди;
- солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтирилди. Туманда бозор инфратузилмаларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилди;
- тумандаги 4 та тижорат банклари фаолиятини банк тизимини ислоҳ қилиш талаблари асосида ташкил этилди.

Туманда 4 та тижорат акционерлик банклари жумладан, «Агро банки» ва Ҳалқ банки, «Миллий» ва «Микрокредит» банкларининг туман филиаллари фаолият кўрсатмоқдалар. Туманда кўп укладли иқтисодий барпо этиш ва мулкчиликни барча шакллари ривожлантириш учун етарли иқтисодий шароитлар яратилди. Туманда кишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳалари тўлалигича нодавлат мулк шаклига ўтказилди. Кичик ва ўрта бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди.

Фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилишлари учун яқка тартибда уй-жой қуришга ва шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ер майдонларини «Ким ошди» савдоларида сотиш бўйича белгиланган дастурларни бажарилиши таъминланди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ишловчиларнинг ўртача бир ойлик иш ҳақи туман бўйича 2013 йилда 672503 сўмни ташкил этди.

Туманда иқтисодийнинг молиявий муттаносиблиги таъминланди. Маҳаллий бюджетнинг даромад қисми бўйича барча кўрсаткичлар ошириб бажарилганлиги туфайли бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имконияти яратилди. Умуман олганда иқтисодийни барқарор ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Мустақиллик йилларида туманда иқтисодийнинг асосий тармоқларидан ҳисобланган аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди. Натижада аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳажмлари йил сайин ортиб бормоқда. 2013 йилда аҳолига кўрсатилган чакана савдо хизмати 106620,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан аҳолига чакана савдо хизмати кўрсатиш ҳажми солишгирма нархларда 116,3 фоизга, аҳоли жон бошига эса 473,0 минг сўмдан 601,0 минг сўмга ортди.

Туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига асосан 8 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари режалаштирилган булиб, режани ортиги билан бажарилди 94 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишга туширилди. Шу жумладан, 28 та чакана савдо, 7 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 8 та сартарошхона, 11 та пойабзал тикиш ва таъмирлаш, 7 та умумий овқатланиш корхонаси, 1 та суратхона ва 16 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фойдаланишга топширилди.

2013 йилда туман бўйича аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажми 39926,8 млн.сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 115,5 фоизга, 2008 йилга нисбатан 20,0 мартага ўсди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар 225,2 минг сўмдан тўғри келиб, мазкур кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 125,2 фоизга, 2008 йилга нисбатан 15,0 мартга ошди. 2013 йилда туманда маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 7699,7 млн.сўмни ташкил этди. Маиший хизмат кўрсатиш аҳоли жон бошига 166873,3 сўмни ташкил этиб 2012 йилга нисбатан 108,2 фоизга ёки 2008 йилга нисбатан 4,6 мартага ўсди.

Мамлакатимиз иқтисодийни интеграциялашда туманимизда хорижий инвестицияларнинг туган ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда туманимиз иқтисодийни глобаллаштириш жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири сифатида бевосита хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда. Чет эл инвестицияларини

имкони бориша кўпроқ жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, иқтисодийнинг реал секторларини тараққий эттириш ҳолат долзарб бўлиб қолмоқда.

Туманга хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш, уларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, янгидан-янги, тўла қувват билан фаолиятини амалга оширадиган ва рақобатбардошли маҳсулотлари билан жаҳон бозорларида ўз ўрнини эгаллай оладиган қўшма корхоналарни йилдан-йилга кўпайтиришга, маҳаллий хом ашё ва ишчи кучларидан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларга, шу жумладан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда Корея давлати туманга йирик сармоя киритиб Чортоқ Дайхантекстил қўшма корхонаси фаолият олиб бормоқда. Чет эл мамлакатларининг инвесторларида туманга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Туманда стратегик аҳамиятга эга бўлган, тўла қувват билан фаолиятини амалга оширадиган қўшма корхоналарнинг йилдан-йилга кўпайтириб борилиши, бу иқтисодийнинг тараққиёт сари одимлаб боришига олиб келмоқда.

2.2. Минтақанинг таркибий қисми сифатида Чортоқ туманининг иқтисодий бошқарилишидаги муаммолар

Мустақилик йилларидан бошлаб, республикада ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият кескин ўзгарди. Худди шу вазият Чортоқ туманида ҳам содир бўлди. Бозор ислохотларининг авж олиб ривожланиши, хусусийлаштириш жараёнларининг амалга оширилиши, тадбиркорликни кенг имкониятлари англаш, буларнинг барчаси Чортоқ тумани иқтисодийига ижобий таъсир этиб, минтақа таркибида жойлашган ушбу туманнинг қиёфасини ўзгартириб юборди.

Чортоқ туманида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражалари тобора ошиб бормоқда. Туманда яратилган янги иш ўринлари сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилда Чортоқ туманида яратилган янги иш ўринлари 4855 тани ташкил этди. Ваҳоланки, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 4253 тани ташкил этган эди. Агар йиллик ўртача ўсишни ҳисобга оладиган бўлсак, йилига 201 ўринга тўғри келади.

Ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг асосий вазифаларидан бири бу меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш жойлари билан таъминлашдир. Сабаби Чортоқ туманида ҳам аҳоли таркибида ёшларнинг салмоғи катта бўлиб, уларнинг иш билан банд этиш масалалари бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бироқ, Чортоқ тумани аҳолиси таркибидаги ёшлар салмоғида бир оз турғун ҳолат мавжуд. Масалан, мактаб интернатлар ва академик лицейларда ўқувчилар сони ортиб бораётган бир пайда, умумтаълим мактабларида ўқиётган ёшлар сони турғун ҳолатда ўзгармай келяпти. Шунингдек, касб-ҳунар корлележларида ўқиётган талаба сонидан эса камайиб тенденцияси мавжуд. Туманда мактабгача таълим муассасалари сўнгги йилларда 4 тага камайган.

Шунга қарамай, Чортоқ туманида ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсатида юритилганидек, устувор даражада амалга оширилмоқда. Айниқса «Соғлом бола йили» давлат дастурида қабул қилинган чора-тадбирлар Чортоқ туманида ҳам жиддий амалга оширилиб келинмоқда. Туманда шаҳар аҳолиси 32,4%, қишлоқ аҳолиси 67,6% ни ташкил этади. Меҳнат ресурслари умумий аҳолининг 53,3% ёки 92410 кишидан иборат. Умумий аҳолини 43,1% 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалардан иборат. Демак келажакда аҳолини иш билан банд этиш муаммоларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриб бориш янада кучаяди.

2.2.1-жадвал

**Чортоқ тумани ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг
асосий кўрсаткичлари¹**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Аҳоли сони	минг киши	167,4	171,2	175,7	178,9
Яратилган янги ишчи ўринлари	ўрин	4253	4653	4822	4855
Касалхоналар сони	та	1	1	1	1
Улардаги ўрин сони	ўрин	725	725	725	725
Умумтаълим мактаблар сони	та	55	55	55	55
Улардаги ўқувчилар сони	минг киши	26,5	25,7	24,6	24,1
Лицейлар сони	та	1	1	1	1
Махсус мактаб интернатлар сони	та	1	1	1	1
Мактаб интернатлар	та	-	-	-	-
Академик лицейлар	та	1	1	1	1
Ундаги талабалар сони	киши	792	778	681	681
Касб-ҳунар коллежлари	та	9	9	9	9
Ундаги талабалар сони	киши	10,8	10,3	10,5	10,5
Мактабгача тарбия муассасалари	та	28	32	28	28
Ундаги болалар сони	минг киши	2,5	2,5	2,5	2,5
Стадионлар	та	1	1	1	1
Спорт заллари	та	41	41	41	41
Кинотеатрлар	та	2	2	2	2
Маданият уйлари	та	1	1	1	1
Кутубхоналар	та	16	16	16	16

2014 йилдан бундан шарт-шароитларни яратиш янада кенг авж олдирилмоқда. Туманда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда спортнинг футбол, бокс, теннис, каратэ, кураш ҳамда бадий гимнастика каби турлари кенг оммалашмоқда.

Ҳозирги кунда Чортоқ туманида ёшларни соғлом муҳитда тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратиб борилмоқда. Туманда мавжуд 1 та стадион, 41 спорт заллари, 2 та кинотеатр, 1 маданият уйлари, 16 та кутубхоналар ҳозирги ёшларимизни жисмонан ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб боришига хизмат қилмоқда. Кўриниб турибдики, аҳолини билим савиясини ошириш ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тиббиёт ходимларининг иш ҳақларини ҳисоблашда уларнинг тоифалари, зарарли ишлар учун қўшимча тўловлар ва иш стажларига тўловларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ тарификациядан ўтказилди. Шунингдек, туман бўйича 4,9 газ тармоғи ва 23,8 км тоза ичимлик сув қувурлари тортилди.

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чортоқ тумани статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бирок, Чортоқ туманида ҳар ўн минг кишига амбулатор-поликлиника муассасаларида тўғри келган смена/катнови йилига 123,2 тага тўғри келиб, уч йил мобайнида турғун ҳолатда сақланмоқда. Агар 2011 йилда ҳар ўн минг кишига врачлар билан таъминланиш 11,9 кишига тўғри келган бўлса, 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 11 кишига тўғри келмоқда. Демак, аҳолиси кўпайиб бораётган Чортоқ туманида келажакда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, шифохоналарни врачлар билан таъминлаш масалаларида ҳам жиддийлашиши мумкин. Умумтаълим мактабларига ўқувчиларни бир сменадаги қамрови уч йил мобайнида ўзгаришсиз 81,6 фоизни ташкил этмоқда.

2013 йил ҳолатида Чортоқ туманида аҳолининг 55 фоизи меҳнатга лаёқатли ҳисобланади. Уларнинг муайян қисми туман иқтисодиётининг турли тармоқларида банд бўлиб, туман иқтисодиётининг ривожланиб боришига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. 2011 йилда ушбу кўрсаткич 53 фоизни ташкил этган эди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, меҳнат ресурслари ошиб бормоқда. Масалан, 2013 йилда туман ҳудудида истиқомат қиладиган аҳолининг 97,8 минг нафари меҳнатга лаёқатли бўлиб, 2011 йилга нисбатан олганда ўсиш суръати 105,8 фоизни ташкил этган.

Муаммо шундаки, туман ҳудуди халқ ҳўжалигида банд бўлган аҳоли сони 2013 йил ҳолатида 64,5 минг кишини ташкил этади. 2012 йилда ушбу кўрсаткич 63,6 минг кишига тўғри келган. 2011 йилда эса 60,2 минг киши халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида банд бўлган. Хуллас 2013 йилда 2011 йилга нисбатан олганда халқ ҳўжалигида банд бўлган аҳоли сони 96,1 фоизни ташкил этган. Демак, ҳозирги кунда туманда 33,3 минг киши меҳнатга лаёқатли бўлиб, улар иш билан банд эмаслар. Айнан шуларни иш билан банд этиш учун янги иш ўринларини кенгайтириш зарар бўлади. Агар уларни бандлиги таъминланмаса, бу ўз навбатида ишсизликнинг келиб чиқишига олиб келади.

Чортоқ туманида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шакллари ривожланиб бормоқда. Ҳар қандай шароитда маҳаллий-ҳудудий бошқарув органлари, яъни туман ҳокимлиги мулкчилигининг турли шакллари ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиб бормоқда. Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожланишига кенг имкониятлар яратилиб ташаббускор шахсларни қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда Чортоқ туманида 608 та кичик корхоналар ва микрофирмалар давлат рўйхитидан ўтган бўлиб, уларнинг 539 таси ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди. Янги иш ўринларининг катта қисми худди шу секторда яратилмоқда. Аммо 2013 йилда туман бўйича фаолият кўрсатмаётган юридик шахс мақомига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 69 тани ташкил этиб, йирик корхоналарда эса бундай корхоналар атиги 5 тани ташкил этди. Шу билан бирга тугатилган корхона ва ташкилотлар жами бўлиб 89 тани ташкил этиб, шундан атиги 1 таси йирик ва қолган 88 таси кичик бизнес корхоналаридир.

Бозор иқтисодиётидаги муҳитнинг ўзгарувчанлиги корхоналарнинг ҳолатига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиб, юқоридаги каби ҳолатга тушириб қўйиши табиий. Шунинг учун Чортоқ тумани ҳудудида жойлашган корхоналарнинг бошқарилишини замон талабларига мослаштириб бориш керак.

**Чортоқ туманидаги ижтимоий-иқтисодий
ривожланиш кўрсаткичлари¹**

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 йилни 2011 йилга нисбати, %да
Аҳоли сони	минг киши	173,1	175,7	178,9	103,3
Меҳнатга лаёқатли аҳоли	минг киши	92,4	95,4	97,8	105,8
Шундан; ҳалқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони	минг киши	60,2	63,6	64,5	107,0
Янги иш жойлари яратиш	минг киши	4,6	4,8	4,8	104,3
Ҳар минг кишига туғилиш	киши	20,2	20,0	19,5	96,5
Ҳар минг кишига вафот этиш	киши	4,3	4,6	4,5	104,6
Ҳар минг кишига табиий ўсиш	киши	16,3	15,4	14,0	85,9
Ҳар ўн минг кишига касалхоналардаги ўринлар сони	ўрин	20,5	20,5	20,2	98,5
Ҳар ўн минг кишига амбулатор-поликлиника муассасалари	смена/ қатнов	123,2	123,2	123,2	100
Ҳар ўн минг кишига врачлар билан таъминланиш	бирлик	11,9	11,6	11,0	92,4
Ҳар ўн минг кишига ўрта медицина ходимлари билан таъминланиш	бирлик	112,1	112,0	113,0	100,8
Умумтаълим мактабларига ўқувчиларни бир сменадаги камрови	фоиз	81,6	81,6	81,6	
Мактабгача тарбия муассасаларига болаларни жалб этиш	фоиз	22,2	22,3	22,3	

Шуни қайд этиш керакки, 2013 йилга келиб, Чортоқ туманида ҳар минг кишига табиий ўсиш сўр'ати пасайиб борган. Масалан, 2011 йилда ҳар минг кишига тўғри келган

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

улуш 16,3 кишини ташкил этган бўлса, 2012 йилда 15,4 киши ва 2013 йилда эса 14 кишини ташкил этган. Демак 2011-2013 йилларда ўсиш суръати 85,9 фоизни ташкил этган.

Чортоқ туманида хиссдорлик жамиятлари сони тобора камайиб борапти. Хусусан, 2007 йилда Чортоқ туманида 9 та хиссдорлик жамиятлари фаолият кўрсатган эди. Бу кўрсаткич 2008 йилда 1 тага камайди. 2010 йилда Чортоқ туманида 6 та хиссдорлик жамияти ўз фаолиятини олиб борди. 2012 ва 2013 йилда атиги 5 та хиссдорлик жамиятлари ўз фаолиятларини олиб бордилар. Таҳлиллардан шундай хулоса чиқариш керакки, зудлик билан Чортоқ туманида хиссдорлик жамиятларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриб бориш ақсадга мувофиқдир.



2.2.1-чизма. Чортоқ туманида хиссдорлик жамиятлари ва қўшма корхоналар сонининг йиллардаги динамикаси

Фикримизча, Чортоқ туманида қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилда атиги 1 та қўшма корхона ўз фаолиятини олиб борган бўлса, 2013 йилга келиб, 3 та қўшма корхона ўзининг ўқтисодий фаолиятини олиб бормоқда. Қўшма корхоналарнинг туман миқёсида кўпайиб боришига асосий сабаб, инвесторлар учун туманда инвестицион муҳит яхши шаклланган. Энг аввало тинч ҳаёт, иккинчидан ҳудудий муҳитнинг ҳар томонлама қулайлиги, учинчидан, маҳаллий аҳолининг ҳаракатчанлиги ва тез меҳнатсеварлиги инвесторлар учун энг мақбул жиҳатлар бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки инвесторлар ўзларининг инвестицияларини киритсалар-да, маҳаллий аҳоли таркибидаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишлари табиий.

Чортоқ туманида инвесторлар учун иқтисодий муаммолардан бири молиявий масалаларнинг жуда суёт бажарилиши, яъни банк-молия тизимидаги ўзаро иқтисодий алоқаларнинг тез амалга оширилмаслиги. Масалан, муайян банк операцияларини бажаришда бир неча кун кутишга сарфланади. Бу ерда инвестор учун энг қиммат бўлган вақт омили ҳисобга олинмаяпти.

Чортоқ туманида бозор инфратузилмаси фаолиятини ҳам кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Агар бозор инфратузилмаси яхши ривожланган бўлса, турли мулкчилик асосидаги бозор субъектлари сони ортиб боради. Сабаби уларни иқтисодий фаолиятлари учун қулай муҳит шаклланган бўлади. Афсуски, туманда инфратузилма объектларининг

сони чекланиб қолган. Шунинг учун нодавлат мулк шаклидаги корхоналар сони йилдан йилга ортиб борсада, уларнинг таркибида хусусий корхоналар, қўшма корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари хиссадорлик жамиялари камайиб бормоқда. Шу билан бирга бошқа мулк шаклидаги корхоналар ҳам камайиш тенденциясини олган.

2.2.3-жадвал

Иқтисодиёт тармоқларининг бозор иқтисодиётига ўтиш кўрсаткичлари¹

Турли мулкчилик асосидаги субъектлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Нодавлат мулк шаклидаги корхоналар сони	2458	2549	2667	2659	2686
<i>шу жумладан:</i>					
–хусусий корхоналар сони	339	395	448	468	474
–хиссадорлик жамиятлари	8	6	6	5	5
–қўшма корхоналар	1	2	3	3	3
–фермер ва деҳқон хўжаликлари	1831	1834	1895	1861	1886
–бошқа мулк шаклидаги корхоналар	279	312	315	322	318
<i>Хусусийлаштириш</i>					
Давлат дастури бўйича хусусийлаштирилган корхоналар сони		2	1	-	-

Маълумки, бозор иқтисодиёти субъектлари фаолияти кўпайиб борган сари ривожланиш натижалари тобора аниқ намоён бўлиб боради. Аммо бу ривожланиш даражаларига осонлик билан эришиб бўлмаяпти. Бунга тўсиқ бўлувчи муаммолар бор. Бу муаммоларни икки гуруҳга бўлиб таҳлил этишни лозим топдик.

Биринчи гуруҳга киритилган муаммолар микроиқтисодий жиҳатдан намоён бўлиб, улар микроқўлам даражасида шаклланмоқда. Бундай муаммолар алоҳида алоҳида корхоналар ва ташкилотларни бошқаришдаги муаммолардан иборат. Уларнинг кўпқирралилиги ва бир бирига боғланиб келиши ушбу муаммоларни ечимини топишга қийинчилик тўғдирмоқда.

Иккинчи гуруҳга макроқўлам даражасидаги айрим муаммолар киритилади. Бундай муаммоларга ҳудудий-маҳаллий бошқарувда йўл қўйилаётган айрим камчиликлар мансуб. Чунки бугунги кунда ҳудудий-маҳаллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш соҳасида ҳам шундай муаммолар юзага келмоқдаки, уларни бартараф этмай туриб жамиятни ривожлантириш жуда қийин.

Хусусан, давлат органлари томонидан бозор субъектларини тартибга солиш ва қўллаб қувватлаш соҳасида жиддий муаммолар шаклланганки, буларнинг барча маъмурий буйруқбозлик тизимидан қолган элементларни ўз ичига олган. Масалан, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан бозор субъектларини бошқариш соҳасида сезиларли даражадаги камчиликлар мавжуд.

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чортоқ тумани статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

III-боб. Ўзбекистон минтақаларини ижтимоий-иқтисодий бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари

3.1. Минтақавий бошқарувни янада эркинлаштириш, модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш йўналишлари

Иқтисодиётни минтақавий бошқарувини янада эркинлаштириш масалалари, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштиришнинг таркибий қисми сифатида энг асосий йўналишлардан бўлиб, бозор муносабатларини ривожлантиришда муҳим вазифалардан бири деб ҳисобланади.

Иқтисодиётни либераллашуви, яъни эркинлаштириш масаласи И.А.Каримовни 14 апрел 1999 йилдаги XIV сессиясидаги маърузасида илк бор батафсил ёритиб берилган. Давлат бошқарувининг асосий 6 (олтита) устивор йўналишлари кўрсатилиб, уларда иқтисодиётни эркинлаштириш масалалари, тадбирий чоралар аниқланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш – давлатни хўжалик ишларига фаол аралашуви бўлиб, хўжалик субъектларини иқтисодий ролини ошириш демакдир. Бошқача айтадиган бўлсак, бозор субъектлари фаолиятини фаоллаштириш мақсадидаги чора-тадбирларни қўллаш орқали ижобий таъсир кўрсатиб боради. Барча тармоқларда хусусий секторни амалдаги ишларда улушини янада ошириш давлат томонидан қабул қилинган дастурларда талаб этилади, уларни моҳияти янада ошади.

Иқтисодиётни минтақавий бошқарувини янада эркинлаштириш ҳам давлатнинг ишгиросида амалга оширилади. Бунда «давлатнинг бош ислохотчи»лик асосидаги хатти-ҳаракатлари иқтисодиётнинг барча тамоқларида амалга оширилади. Давлатнинг аралашувини шундай тушуниш керакки, давлат ўзининг бошқарувчилик соҳасидаги вазифаларини бажаришда, режани белгилаш ёки кўрсатмалар ишлаб чиқишга асосланмасдан, балки бозор муҳитини ривожлантиришга шарт-шароит яратиб бериш йўлидан боришини ўз фаолиятида таъминлаши керак.

Ҳозирги кунда иқтисодиётни минтақавий бошқарувини эркинлаштириш борасида халқ хўжалиги тармоқларида ислохотларни жиддий давом эттириш йўлидан бормоқдамиз. Бунда халқ хўжалигини ички иқтисодий муомалаларини ва умумий ҳолатини эркинлаштириш, айниқса ҳудудий қўламда эркинлаштиришни амалга ошириш уч омилга боғлиқдир:

1. Нарх-навони юқоридан белгилаш ва бошқаришдан воз кечишлик.
2. Барча юридик ва жисмоний шахсларга эркин савдо қилиш имкониятини яратиш.
3. Ишлаб чиқарувчиларни фаолиятини бозор талаби ва қонун – қоидаларига йўналтириш.

Албатта бу жуда қийин масала, чунки барча инсонларни онгини бозор тизимига ҳос тубдан ўзгартириш талаб қилинади. Мулкчиликни турли хил шакллари ривожланади. Хўжалик юритишни янгича шакллари ташкил этиш талаб этилади. Умуман янгича иқтисодий фикрлашни кенг жамият қўламида шакллантиришга эришиш лозим бўлади. Янгича иқтисодий тизимни ҳудудий миқёсда жорий этиш учун бундай ишларни амалга ошириш жуда муҳим. Акс ҳолда бозор иқтисодиётига ҳос бўлган ёндашувларимиз жойларда амалга ошмайди.

Ҳаётда, аниқроғи минтақавий иқтисодиётни бошқарувида нарх-навони эркинлаштириш, уларнинг тезкор равишда бозор муҳитига кириб келиш имкониятини яратади ва бозорга ҳос бўлган иқтисодий тизимни амалга ошишига олиб келади. Нарх-навони бошқарилиши давлат механизми орқали эмас, балки бозор механизми орқали бошқарилишга асосланади. Бундай бошқарувда бозорнинг ўзига ҳос бўлган талаб ва тақлиф қонуниятидан келиб чиқиб бошқарилишини назарда тутамиз.

Бундан 233 йил аввал иқтисодиётни бошқарилишини таниқли инглиз иқтисодчиси А.Смит ўзининг «Халқлар бойлиги»¹ асарида атрофлича қайд этган эди. Иқтисодиётни бошқарилиши унинг таъбири билан айтганда «laissez faire»² концепцияси асосида амалга оширилган. Бошқача айтганда иқтисодиёт давлат бошқарувидан халос бўлса, бутун жамият ютиб чиқишининг сабабларини тушунтириш учун Смит, «қўринмас қўл» тамойилидан фойдаланади. Аммо ҳозирги даврда соф бозор иқтисодиётининг қонуниятлари амалда ўзини оқлай олмайди. Шунинг учун бозор механизми билан биргаликда давлат механизми фаолиятини ҳам ишга тушириш мақсадга мувофиқдир². Бугунги кунда бирон-бир давлат инфляция даврига кира бошлаши билан ўша давлатнинг ҳукумати ахволни яхшилаш учун чора-тадбирлар қўриб боришни ёқлаб чиқадилар.

Демак, давлат ва бозор механизмлари асосида бугунги кунда дунёнинг жуда кўп давлатлари ўз иқтисодиётини бошқармоқдалар. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти тизимини ҳар томондан ижобий баҳолаш ярамайди. Чунки иқтисодий тизимнинг инфляция, рақобат, инқироз, ишсизликни келиб чиқиши каби унсурлари борки, уларни олдини олиб туриш учун давлат сиёсатида жиддий чора-тадбирлар қўрилиб борилиши зарур экан.

Бозор муҳитидаги турли ўзгарувчан вазиятлар эса ўз навбатида инсонларни реал даромадини камайтиб боришига ёки ортиб боришига, уларни турмуш даражасини пасайишига ёки кўтарилишига олиб келади. Булардан ташқари турли иқтисодий ва ижтимоий жиҳатга эга бўлган муаммолар пайдо бўлади. Масалан, иш ҳақини ўз вақтида тўлашдаги, корхонани хом ашё сотиб олиш ҳолатларидаги, тўлов балансини бузилишидаги ва ҳоказо.

Маълумки, иқтисодиёт назариясида нарх-навони эркинлаштиришни икки варианты мавжуд:

1. Фалаж (шок) усули.
2. Градуал (аста-секин) усули.

Кўпинча амалиётда «қўшма» вариант мавжуд бўлади, бунда баъзан нархлар бирданига ошириб юборилади, баъзан эса аста-секинлик билан нархлар оширилади. Бу жараёнларни у ёки бу қўринишда кечиши муайян давлатнинг ҳукумат сиёсатига боғлиқ. Ҳукумат раҳбарлари қанчалик даражада бозор иқтисодиёти шароитларини тушуниб, англаб етсалар, шунчалар улар тўғри йўл тутишга ҳаракат қиладилар.

Маълумки, 1989-1992 йилларда жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ давр бошланган эди. Шунда Россия 500 кунда бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини ишлаб чиқишга уриниб, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг фалаж усулини танлади. Бу эса аҳолининг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиб, халқ ўртасидаги низоларнинг келиб чиқишига олиб келди. Кейинчалик ҳукумат арбоблари ушбу ёндашувни қўлламай бошқа йўлни танладилар.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиб бориш жараёнлари, қолаверса, иқтисодиётни ҳудудий бошқарувини эркинлаштириш ҳам «ўзбек модели» асосидаги тамойилларга мос амалга ошириб борилмоқда ва бунда босқичма-босқич келиб чиққан воқеликларга нисбатан чора-тадбирлар қўриб бориляпти³.

¹ Adam Smith. The Wealth of Nations. New York. Modern Library, Inc. (Дастлаб 1776 йилда чоп этилган) P. 423.

² Пол А.Самуэльсон, Вильям Д.Нордхаус. Экономика: Пер. с англ. —М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. 70-71 стр.

² **Изоҳ:** Бундай илмий ёндашувни биринчи бўлиб, Джон Мейнард Кейнс (1883-1946) эътироф этган. У XX асрнинг 30-йилларидан шу асрнинг иқтисодий тафаккурини тубдан ўзгартириб юборди. Чунки давлат иқтисодиётни барқарорлаштиришда фаол иштирок этиш фойдасига «laissez faire» сиёсатидан воз кечиши лозим, деган фикр 30-йилларда инкилобий ғояга айланди.

³ **Изоҳ:** Ушбу иқтисодий жараёнлар Республика Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида амалга ошириб борилдики, бунда халқ фаровонлигини ва барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар биринчи даражали ҳисобланди. 2008 йил якунида миллий иқтисодиёт тармоқларида эришилган ижобий натижалар айнан шу беш тамойил негизига асосланади.

Ўзбекистон ҳукумати ҳудудий сиёсат олиб боришда қуйидаги муҳим интеграл мақсадларни ўз олдига қўйиши лозим:

- халқ фаровонлигини ошириш;
- миллий технологияларга нисбатан илғор технологияларни иқтисодиётга жорий қилиш;
- хорижий капитални жалб қилиш йўли билан ҳудудлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини жадаллаштириш;
- ички истеъмол бозорини бойитиш;
- бандлик даражасини ошириш;
- ишчи кучи сифатини яхшилаш;
- иқтисодиётни макро ва мезо даражада тартибга солишда ҳамда микро даражада, яъни корхонани бошқаришда жаҳон тажрибасига эга бўлиш.

Маълумки, давлат бошқаруви тўғрисида мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари юксалиш томон йўналтирилади. Масалан барча соҳаларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни қайта тақсимланиш улуши бўйича кўрсаткичларни белгилаб бориш мақсадга мувофиқдир. Ушбу улуш XX асрни 30 йилларида Япония ва АҚШ да 35-40% Франция, Олмония, Италия ва Канадада 50% га яқин, Швецияда эса 60% дан ортиқроқ бўлди.

Бу борада давлат секторини тартибга солиш ва бошқариш кўпинча мамлакат иқтисодиётини фаровонлиги ва юксалишини таъминлаш ҳисобланади. Энг ривожланган мамлакатлар ана шундай имкониятларни тез қўлга киритадилар. Чунки уларнинг иқтисодий ривожланишида «тўлқинсимон» ҳаракатлар камдан кам рўй беради.

Дунёдаги барча мамлакатларда, барча ижтимоий-иқтисодий тизимларда давлат ўзининг иқтисодиётини бошқариш ва тартибга солишга уринади. Лекин давлатларни иқтисодиётга аралашув даражаси, уларнинг мақсадлари, воситалари, эркинлаштириш даражаси барча мамлакатларда хилма-хил бўлади.

Миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш айниқса Европа (яъни, Франция, Олмония, Испания, Голандия, Скандинав) мамлакатларида давлат дириджизмига асосланса, тезкор ривожланаётган Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида давлат ва бозор механизмининг тенгма-тенг фаолиятига асосланади.

Шу билан биргаликда АҚШ, Канада ва Австралия ва бир қатор бошқа ривожланган мамлакатларда давлат иқтисодиётга аралашувида иқтисодий эркинлик тамойиллари устуворроқ эканлигини биз биламиз. Ҳозирги кунга қадар ушбу мамлакатлар иқтисодиёти ижтимоий-иқтисодий ларзаларсиз бир хил маромда ривожланиб келган ва барча иқтисодий муаммоларини ўзлари ҳал этишга қурби етган бўлса-да, 2008 йилга келиб аҳвол бутунлай аксига айланди.

Масалан, 2007 йилнинг декабр ойидан АҚШдек ривожланган мамлакатда «фасмий» турғунлик даври бошланди ва шундан буён 3 млн. 600 мингга иш ўринлари қисқарди. Мамлакат Меҳнат вазирлигининг ҳисоб-китобларига қараганда, биргина 2008 йил якунлари бўйича маҳаллий фирма ва компаниялар иш ўринларини 33 фоизгача қисқартиришга мажбур бўлдилар¹.

Таъкидлаш жоизки, АҚШда бошланиб, кейинчалик Ер шарининг қатор давлатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, энг аввало, океанorti ҳудудларидаги давлатларда мавжуд асосий иш ўринларига зарба берди. Меҳнат биржаларида 10,3 млн. киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган бўлса, уларнинг атиги 600 мингга расмий идораларга иш сўраб мурожаат этган².

Иқтисодиётни ҳудудий бошқарилишини ислохотлар асосида такомиллаштириб борар эканмиз, 2014 йилда «...бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва

¹ Соибназаров А. Глобал ишсизлик. // XXI аср рўзномаси. №7 (273). 12 феврал, 2009. 7 бет.

² ўша жойда.

рағбатлантириш реал иқтисодийetni ислох этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур»¹.

2009 йилдан иқтисодийetni ҳудудий бошқарилишини янада ислох этиш мақсадида бир қатор вазифаларни белгилаб олдикки, бунда вилоятлар ҳудудларига тегишли туманларда, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш муносабатларини мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, ислохотларни чуқурлаштиришга, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, унинг онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилган, биз учун ўта долзарб аҳамият касб этган давлат дастурини бажаришга киришмоғимиз лозим.

Ушбу давлат дастурининг жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги йўналишларига эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш. Бунда қишлоқ жойларидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга устуворлик бериш. Қишлоқ жойларида бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш мақсадда кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

2. Қишлоқ ҳудудларида ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунда қишлоқ жойларида лойиҳа-қурилиш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишда қишлоқ ҳудудларида нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки замонавий ижтимоий инфратузилма фаолиятига (яъни, йўллар, ичимлик суви, газ ва электр энергия таъминоти, соғлиқни сақалш, спорт, маданият, телекоммуникация ва почта алоқаларига ва бошқа хизмат кўрсатиш тузилмаларига) ҳам эга бўлишимиз лозим.

3. Қишлоқ ҳудудларида етиштириладиган маҳсулотларни қайта ишлаш мақсадида замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат. Энг муҳими, қишлоқда қайта ишлаш саноатини янада модернизация қилиш масалаларини қўриб чиқиш лозимдир. Бу масалаларни ҳал этиш орқали, биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эришамиз.

4. Қишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг техник ҳолатини таъминлаш, ушбу соҳани моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бу ишни изчил амалга ошириш давлат дастурида кўзда тутилгандир.

Наманган вилояти иқтисодийетини ҳудудий бошқарилиши Республика миқёсида қабул қилинган давлат дастурига кўра белгиланган вазифаларни бажаришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

«Навбатдаги энг муҳим устувор вазифа – мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат»².

Бу устувор вазифага алоҳида эътибор қаратишнинг асосий сабаблари қуйидагичадир:

Биринчидан, ҳар қандай инфратузилма объекти унинг субъектлари фаолиятини яхшилашга, иқтисодий тараққиётни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Шундай экан, у орқали мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари ва хомашё манбаларини ўзлаштиришга кенг имкониятлар юзага келади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. // «Turkiston» рўзмаси. 14 феврал, 2009.

² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. 29 бет.

Иккинчидан, транспорт-алоқа тизимини яхшилаш жиддий ва муҳим аҳамиятга эга. Чунки авваламбор, автомобил ва темир йўлларнинг ривожланганлик даражаси ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни тежаш имкониятини яратади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган муҳсулотлар ёки бутун бир иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга олиб келади.

Учинчидан, аҳолини тушмуш даражасини ошириш мақсадида ижтимоий инфратузилмани янада кенг ривожлантиришга эришишдир. Чунки аҳолини газ, тоза ичимлик суви, электр энергия билан таъминлаш ва бу таъминотнинг сифат даражасини оширишимиз лозимдир.

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган соҳа бўлганлиги учун янги иш ўринларини яратишга олиб келади. Натижада аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларни даромади ва фаровонлигини ошириш имконини қўлга киритамиз.

Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизни ҳудудий бошқарилишига салбий таъсирининг олдини олиш имконини беради.

3.2. Минтақа иқтисодиётини самарали бошқаришда давлатнинг ролини ошириш

Ўзбекистонда иқтисодиётни ҳудудий жиҳатдан ривожлантириш ва бошқариб бориш мақсадида давлат томонидан муҳим вазифалар бажариб келинмоқда. Айниқса маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида унинг устувор аҳамиятли таъсирини инкор этиб бўлмайди. Бу тўғрида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов: «Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариш керак» деб таъкидлаган эди¹.

Демак, бугунги кунда бизнинг онгимизга сингиб кетган ва жуда таниш бўлган машхур беш тамойиллардан бири: «давлат мураккаб ўтиш даврида ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур»лиги бежиз эмас.

Давлат иқтисодиётни ҳудудий жиҳатдан бошқарувини ташкил этиб ва шарт-шароит яратиб борар экан, иқтисодий қарорларнинг ҳуқуқий асосини таъминлаб беради. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўлида иқтисодий муносабатларда қатнашувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилади. Иқтисодиёт таркибини ва инфратузилмаларини шакллантиради, пул муомаласини назорат қилади, ҳамда давлат мулкчилигида бўлиши маъқул бўлган соҳаларни ривожлантиради².

Давлат иқтисодиётни ҳудудий жиҳатдан бошқарувини ташкил этар экан, унинг фаол аралашувида чегара бор. Чунки бозор механизми каби ўзини-ўзи тартибга солувчи механизмнинг ишлашига ҳам шарт-шароит яратиб боради.

Хуллас «энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик»³.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995. 10-11 бетлар.

² www.ceep.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 7-б.

Иқтисодиётни ҳар қандай бошқарувида давлатнинг учта глобал функциялари таъкидланади¹:

1. Самарадорлик функцияси.
2. Иқтисодий адолатлик функцияси.
3. Иқтисодий барқарорлик, стабиллик функцияси.

Иқтисодиётни ҳуқуқий бошқаришда ҳам худди шу функциялар қайд этилади. Масалан, биз самарадорлик функциясини кўриб чиқадиган бўлсак, энг аввало ҳудудий миқёсда давлатнинг турли иқтисодий воситалари орқали ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини ошириш фаолиятини тушунамиз. Бу ерда албатта биз антимонопол сиёсатни кўз олдимизга келтирамиз, чунки рақобат муҳити бозор механизмига бевосита таъсир этувчи омил ҳисобланади.

Иқтисодий адолатлик функциясига келадиган бўлсак, жамият ҳар бир ишбилармонни, ҳўжалик субъектини, рақобат шароитида қатнашиб унинг пировард натижасида товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш кучи ва капиталдан оқилона фойдаланиш туфайли олган даромадларини тан олади ва бунинг учун давлат барча шароитларни яратиб беради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида ривожланиш бир текисда бўлиши ва турли ҳудудларда унинг таркибий қисми бир хилда юксалиб боришини ҳам давлат ўз назорати остига олади. Шунга қарамай турли ҳудудларда ривожланиш турлича кечиши табиий. Чунки бунда ҳам рақобат мавжуд. Рақобатнинг ҳудудий кўламдаги кўриниши ўша ҳудуднинг у ёки бу жиҳатдан ўзгаришига ҳам олиб келади. Бундай вазиятларда давлат ўзининг ижобий таъсир этувчи чора-тадбирларини қўллаб боради.

Шунинг учун рақобатда яхши натижаларга эришиб юқори даромадларга эриши ва рақобатда ёмон натижалар билан оз даромадларни қўлга киритиш мумкин. Бундай ҳолатлар тан олиниб, адолатли деб ҳисобланади.

Бироқ, бу ерда айтишимиз лозимки, давлат аҳолини даромадлари бўйича табақаланишини тан олсада, улар орасидаги тафовутни ортиқча бўлишига йўл қўймайди. Буни олдини олиш мақсадида иқтисодиётни янада самаралироқ бошқаради, назорат қилади. Бизнинг Ўзбекистон шароитимизда ушбу тафовут, жуда кўп даромадли ва жуда оз даромадли оилалар орасидаги фарқ 10 (ўн) маротабадан ортмаслиги керак².

Соф бозор тақсмоти, даромадлар бўйича, аҳолини яшаш минимумини таъминлаб бермайди. Шунинг учун даромадлар тақсмоти бозор нуқтаи назаридан адолатли бўлсада, умуминсоний қадриятлар борасида адолатли ҳисобланмайди. Шунинг учун давлат ўз зиммасига олаётган даромадларни қайта тақсмот қилиш функциясини, шунингдек вақтинча иш билан шуғулланишга ёш жиҳатдан тўғри келмаган жамият аъзоларини ижтимоий ҳимоясини ҳам таъминлайди. Ҳудудий жиҳатдан эса ушбу ижтимоий ҳимоя кўлами янада ошади.

Маълумки, бозор тизими тўлиқ бандликка эришмаган, эришмайди ва эришишга қизиқмайди ҳам. Чунки тўла бандликни таъминлашнинг иложиси энг ривожланган давлатларда ҳам амалга оширилмаган. Натижада ишсизлик муаммоси пайдо бўлади. Ушбу муаммолар билан албатта давлат шуғулланиши керак ва шуғулланади ҳам. Бундан ташқари давлат ишлаганларга минимал истеъмол ва минимал иш ҳақини қафолатлайди.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун, давлат бюджетини тўлдириш учун, турли ҳўжалик субъектлар даромадини олиш учун, давлатнинг ўзи инфляцияга қарши сиёсат ва фискал сиёсат ўтказди. Бундан ташқари давлат иқтисодиётни ривожланиш цикллари юмшатиш чора-тадбирларини кўриб чиқади.

Албатта ривожланган, демократик давлат ҳар бир ҳўжалик субъектлари ишига тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита аралашиб, турли қонунлар, иқтисодий воситалар, умумий қоидалар ва тартиблар орқали бошқаради. Бу эса айниқса ҳуқуқий мезонларга

¹ Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика: Пер с англ. –М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. 320 стр.

² Манба Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги томонидан олинган.

бўйсундириш нуқтаи назардан стратегик аҳамиятга эга бўлган масалаларни бажаришга йўл очади.

Давлат бошқаруви жамиятни барча аъзоларининг манфаатларини бажаришга қаратилган ва барча ҳўжалик объектларига тенг ҳуқуқ ва шарт-шароитлар яратиб беришни қафолатлайди.

Ўтиш даврида давлат баъзи бир бозор иқтисодиётига мос бўлмаган функцияларни ҳам бажаради. Шунинг учун у бозорнинг энг йирик субъекти бўлиб қолади ва бошқа иқтисодий субъектларнинг фаолиятини бошқаради, ҳамда кўпчилик тақсимот функцияларини ўзида сақлаб қолади.

Давлат бошқарувисиз ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасаяди, фундаментал фанлар турғунликка учрайди, ижтимоий инфратузилмалар камайиб кетади, чунки уларни ривожлантириш учун катта маблағлар керак бўлади.

Давлат бошқаруви корхона ва шахсий манфаатларни ҳимоялаш доирасида бўлади, турли тўсиқларни ва муаммоларни ҳал этишда фаол хизмат қилади. Бунинг учун ортиқча маъмурий-минтақавий тўсиқлардан, монополиядан, ортиқча солиқлардан сақлаб давлат имтиёзли кредитлар беришга шароит яратади.

Бу шароитда халқимиз ишонч билан давлатдан қуйидаги масалаларда кўмак кутади:

1. Давлат уларни инфляция таъсиридан сақлайди деб умид қилади.
2. Капитални қайта тақсимлаб, ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириб кўшимча иш жойи тузилишини кутади.
3. Чайқовчилик ва нопок хатти-ҳаракатларни тўсади деб умид қилади.
4. Бюджет маблағлари тўғри ишлатилиши назоратда бўлади деб ишонч билдиради.
5. Четдан олган қарзлар фақат инвестицияларга, мақсадли ишлатилиши кераклиги деб тушунади.

Албатта бундай мақсадлар рўйхатини биз яна давом эттиришимиз мумкин. Аммо асосий масадимиз адолатликни қафолатлашдир.

Давлат бошқарувининг бирламчи вазифаси иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликка эришишдир. Бу эса энг аввало мамлакатни иқтисодий ҳолати, ишлаб чиқаришни ривожланганлиги, ижтимоий-иқтисодий сиёсий барқарорлик, тинчлик ва суверен ташки иқтисодий сиёсатнинг самарали юритишга кўп жиҳатдан боғлиқдир¹.

Иқтисодий барқарорлик ҳақида фикр юритар эканмиз, иқтисодий хавфсизлик масалаларини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Чунки иқтисодий хавфсизлик – мустақил ишлаб ва қайта чиқаришни ташки ва ички хавф ва хатарлардан сақлашдир. Бунга сабаб бўлувчи омиллар қуйидагилар²:

1. Ишлаб чиқаришни деформациялашганлиги, хом ашёвий йўналиш бўлганлиги (аввалги тизимда).
2. Турли минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нотекис бўлишлигини кучайиши.
3. Даромадлар бўйича аҳолини табақаланиши.
4. Криминал ҳолатни мураккаблашуви.
5. Халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфи.

Бундан ташқари олдинги тизимдан сақланиб келаётган баъзи бир иллатлар таъсири ҳозир ҳам иқтисодиётни самарадорлигини оширишда ва халқимизни турмуш сифатини тубдан ўзгариш ясашга олиб келаяпти. Булар қаторига иқтисодиётимиз бир томонлама, хом ашё базаси бўлганлиги ва унинг таъсирини айтишимиз мумкин. Инқилобий

¹ Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика: Пер с англ. –М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. 324 стр.

² Фофуров А. Миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш: Маърузалар матни. Фарғона, 2001. 8 бет.

ўзгаришлар мустақиллик йилларида бўлган бўлсада, пировард натижага эришиш учун яна маълум вақт керак.

Ўзбекистон Конституциясида барча мулкчилик шакллари тенг ҳуқуқли деб тан олинади¹. Аммо бозор ва турли хўжалик субъектлари баъзи бир масалаларнинг муаммоларига ўз эътиборларини чиндан ҳам қаратмаган. Булар қаторига биз қуйидаги масалаларни киритамиз:

- атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва сақланишни,
- жамоат тартибини сақлашни,
- давлат ҳимоясини,
- миллий хавфсизлик,
- давлат бошқарувини,
- ягона энергетика тизимини,

Буларни барчаси дунё тизимида умумдават товарлари деб аталади¹. Давлат бошқарувини конкрет шакллари ва масштаблари иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кўплиги ёки озлиги билан ифодаланади. Масалан, Германия, Япония, Нидерландия, Швеция, Норвегия, Австрия мамлакатларида иқтисодиётни давлат томонидан бошқаруви жуда кучли ривожланган. Лекин баъзи бир мамлакатларда: АҚШ, Австралия, Канадада ушбу услуб камроқ ишлатилади, чунки иккинчи жаҳон уриши уларга деярли таъсир этмаган².

Давлат томонидан иқтисодиётни ҳудудий бошқаришда ҳам уларнинг хўжалик эҳтиёжларини бажарувчи ва ифода этувчи субъектлари бўлиб ёлланган ишчилар, ишбилармонлар, фермерлар, кичик, хусусий ва катта корхоналар, бошқарувчи ва акциядорлар ҳисобланади. Буларни ўзаро иқтисодий алоқалари ҳудудий иқтисодиётни ривожланишига ҳисса қўшади. Фақат ҳудудий эмас, балки республика, қолаверса халқаро кўламлиқларда ҳам уларнинг иқтисодий алоқалари мавжуд.

Иқтисодий субъектлар турлича бўлиб, улар ассоциациялар, уюшма ва жамғармалар, нодавлат муассасалари, кичик ва хусусий бизнес субъектларидир. Буларнинг барчаси бугунги кунда Ўзбекистонда 460,0 мингдан ортиб кетди³. Масалан, қасаба уюшмалари, турли сиёсий партиялар, «Қамолот», «Умид» ва ҳоказолардир. Буларнинг ичида сиёсий партиялар жамиятда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳар бир бозор субъектининг ўз манфаати бўлиб, ўзига яраша дунёқараши, қизиқиши маънавияти бор. Бу ерда давлат ушбу манфаатларни миллий, минтақавий, оила, шахсий эҳтиёж ва манфаатлар мувозанатини топиб иш юритиш керак.

3.3. Минтақанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва алоҳида минтақанинг иқтисодий салоҳияти фарқланади.

Иқтисодий минтақаларнинг ўзига хосликларини тўлиқ эътиборга олиш ва уларни ривожлантириш йўналишларининг юксак даражада асосланганлигини таъминлаш учун минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятига комплекс баҳо бериш зарур.

Минтақанинг иқтисодий салоҳияти – бу минтақа хўжалик комплекслари тармоқларининг маълум даврда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қурилишни амалга ошириш, юк ташиш ва аҳолига хизматлар кўрсата олиш қобилиятидир⁴. Иқтисодий салоҳият минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2003. 53-модда, -11 бет.

² www.bearingpoint.uz // USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.

³ Ушбу молохазалар 3.2-бандда атрофлича ёритилган.

⁴ Маълумот 2014 йилнинг январ ойидаги ҳолатга тўғри келиб ушбу бозор субъектларининг 248580 тасини рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари ташкил этади.

⁵ Қаранг: Тошпулатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти. Ўқув қўлланма., -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 йил

батафсил тавсифлайдиган ўзаро боқлиқ кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Иқтисодий салоҳият меҳнат ресурсларининг сони ва уларнинг касбий тайёргарлиги сифати, саноат ва қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш имкониятлари, транспорт йўлларининг узунлиги ва транспорт воситаларининг мавжудлиги, ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланиш даражаси, фан ва техника ютуқлари, разведка қилинган фойдали қазилма ресурслари, яъни биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ташкил этадиган унсурлар билан белгиланади.

Шундай қилиб, минтақавий ривожланиш салоҳияти деганда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайдиган омиллар мажмуи тушунилади. Салоҳият (потенциал) деганда минтақанинг ички ва ташқи функцияларни бажариш, иқтисодий фаолиятни амалга ошириш имкониятлари тушунилади, деб айтиш мумкин. Бундай имкониятлардан фойдаланилиши ҳам, фойдаланилмаслиги ҳам мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон хўжалигида тугган ўрни ва аҳамияти, бошқа мамлакатлар иқтисодиётига унинг таъсири ва, аксинча, айти мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига жаҳон хўжалигининг таъсири ҳар бир мамлакат иқтисодий салоҳиятининг кўлами ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва иқтисодий қудрати деганда мазкур мамлакатда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг ҳажми, тузилиши, сифати ва техникавий даражаси, шунингдек мамлакат ўз ҳудудида ва чет элда тўплаган моддий ва бошқа бойликлар тушунилади.

Иқтисодий салоҳиятни сон жиҳатидан потенциал ЯИМ/ЯММ кўрсаткичи орқали пулда ифодалаш мумкин. Потенциал ЯИМ (ёки иқтисодий салоҳият) деганда мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари: капитал, ишчи кучи, табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланилганида, яъни ресурслар тўлиқ банд этилганида олиниши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми тушунилади.

Ресурсларнинг тўлиқ банд этилиши юкланмаган ишлаб чиқариш қувватлари салмоқини уларнинг умумий ҳажмининг 10-20% даражасида ва ишсизликнинг табиий даражасини ишчи кучлари умумий сонининг 5,5-6,5% даражасида сақлаб туришни назарда тутади. Бу кўрсаткичлар турли мамлакатлар бўйича ҳар хил бўлиши мумкин, аммо барча ҳолларда ресурсларнинг тўлиқ банд этилиши улардан 100% фойдаланилишини истисно этади.

Агар Оукен коэффиценти маълум бўлса, ресурсларни тўлиқ банд этиш йўли билан олинган миллий даромад орқали ифодаланган ишлаб чиқариш салоҳиятини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$Y_f = Y / (1 - k(u - u^*)),$$

бу ерда Y_f – ресурслар тўлиқ банд этилганида потенциал мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми;

Y – амалда эришилган ишлаб чиқариш ҳажми;

k – Оукен коэффиценти;

u – ишсизликнинг амалдаги даражаси;

u^* – ишсизликнинг табиий даражаси.

Улар қандай иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имкониятлари фойдаланиладиган ресурсларнинг камчилиги билан чекланади. Бундай чекланганлик жамиятнинг ривожланишига қараб сақланибгина қолмай, баъзан ортиб ҳам боради. «Салоҳият» (потенциал) тушунчасига жалб этиладиган ресурслар ва маблақлардан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш мезони деб қараш керак. Унинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги мақсадли функциялари ана шулардан иборат.

Иқтисодий ривожланиш даражасининг кўрсаткичлари. Турли мамлакатлар ёки минтақалар ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланиш шартлари уйқунлигининг ҳар

хиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини бир хил нуқтаи назардан баҳолаш имконини бермайди¹. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ/ЯММ ёки миллий даромад;
2. Миллий (минтақавий) иқтисоднинг тармоқ тузилиши;
3. Аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси);
4. Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати;
5. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ/ЯММ. Иқтисодий ривожланишнинг даражасини таҳлилдан ўтказишда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичлари муҳим ўрин тутади. ЯИМ айна минтақа ҳудудида ишлаб чиқарилган якуний маҳсулот (ялпи ишлаб чиқариш) миқдорининг минтақа аҳолиси сонига нисбати тарзида ҳисобланади:

$$\text{Аҳоли жон бошига ЯИМ} = \frac{\text{ЯИМ}}{\text{Аҳоли сони}};$$

Минтақавий иқтисоднинг тармоқ тузилиши. Халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган яна бир кўрсаткич бу минтақавий иқтисоднинг тармоқ тузилишидир. У тармоқлар бўйича ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларига асосан таҳлилдан ўтказилади. Энг аввало халқ ҳўжалигининг йирик моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ўрганилади. Бу нисбат авваламбор қайта ишлаш саноатининг салмоқига қараб аниқланади.

Йирик ҳўжалик комплекслари: ёнилқи-энергетика, агросаноат, қурилиш ва конструкция материаллари, мудофаа, ҳарбий-саноат комплексларининг салмоқи ҳам таҳлилдан ўтказилади.

Алоҳида минтақалар ва вилоятларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига баҳо беришда тармоқ тузилишининг динамикасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш. Мамлакат ёки алоҳида минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини шунингдек аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам таърифлайди. Мазкур кўрсаткичлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобланади:

- асосий тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- узоқ муддат хизмат қилувчи товарларнинг мавжудлиги.

Асосий тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мамлакат ёки минтақанинг электроэнергетика, металлургия, машинасозлик каби тармоқлар ишлаб чиқарадиган асосий маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради.

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг муҳим турлари орасида статистикада прокат, металл қирқувчи дастгоҳлар, автомобиллар, минерал ўғитлар, кимёвий толалар, қоғоз ва бошқа бир қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ажратилади.

Мамлакат ёки минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлилдан ўтказишда аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари: қалла, суг, гўшт, шакар, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларига баҳо бериш муҳим

¹ Қаранг: Тошпулатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти. Ўқув қўлланма., -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 йил.

аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткични айтайлик ФАО¹ ёки миллий институтлар томонидан ишлаб чиқилган бундай маҳсулотларни истеъмол қилишнинг оқилона меъёрлари билан таққослаш аҳолининг мамлакатда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларининг қондирилиши даражаси, озиқ-овқат рационининг сифати ва ҳоказолар ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради.

Мамлакатда узоқ муддат хизмат қилувчи товарлар: музлатгичлар, кир ювадиган машиналар, телевизорлар, енгил машиналар, видеоаппаратура, шахсий компьютерлар ва ҳоказолар мавжудлиги (ёки ишлаб чиқарилиши)нинг ҳар 1000 кишига (ёки ўртача статистик оилага) тўқри келган кўрсаткичлари ҳам юқорида зикр этилган кўрсаткичларга яқин туради.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва сифати кўп жиҳатдан истеъмол бўйича ЯИМ тузилиши билан таърифланади. Хусусий якуний истеъмол (шахсий истеъмол харажатлари) тузилишини таҳлилдан ўтказиш айниқса муҳимдир. Истеъмол қилишда узоқ муддат хизмат қиладиган товарлар ва хизматлар салмоқининг катталиги аҳолининг турмуш даражаси нисбатан юқори эканлигидан, бинобарин, мамлакат иқтисодий ривожланишининг умумий даражаси ҳам юқорилигидан далолат беради.

Аҳолининг турмуш даражасини аниқлашда одатда иккита ўзаро боқлиқ кўрсаткичлар: «истеъмол савати» ва «тирикчилик минимуми» кўрсаткичлари таҳлилдан ўтказилади.

Турмуш даражаси тақин қуйидаги кўрсаткичларга қараб аниқланади:

- меҳнат ресурсларининг ҳолати (умрнинг ўртача узоклиги, аҳолининг маълумоти даражаси, аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши калорияларда, протеин таркибида, меҳнат ресурсларининг малака даражаси, ҳар 10 минг кишига ҳисобланган ўқувчи ва талабалар сони, ЯИМда таълим харажатларининг салмоқи);

- хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши (ҳар 10 минг кишига ҳисобланган врачлар сони, ҳар минг кишига ҳисобланган касалхона ўринлари сони, аҳолининг турар жой, рўзқор буюмлари билан таъминланганлиги ва ҳоказолар).

Сўнгги йилларда жаҳон амалиётида турмуш сифатини аниқлаш учун кўпгина иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар (аҳолининг маълумоти даражаси, умрнинг узоклиги, иш ҳафтасининг давомийлиги ва бошқалар)ни ўзида бирлаштирган «инсоннинг ривожланиши индекси» қўлланилмоқда (бу ҳақда 5.5 фаслда батафсил сўз юритамиз).

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. Ушбу туркум кўрсаткичлари кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш даражасини тавсифлайди, чунки мамлакатнинг асосий ва айланма капитали, меҳнат ресурсларининг ҳолатини ва улардан фойдаланиш даражасини – бевосита ёки билвосита – акс эттиради.

Шунинг учун ҳам иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш муҳим иқтисодий категория - самарадорлик билан чамбарчас боғлиқ.

¹ ФАО – (инглизча Food and Agriculture Organization) – БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти.

Хулоса

Минтақавий бошқарувнинг умумдават, вилоят, шаҳар, туман ва бирламчи поғоналарини фаолиятини тартибга солиш давлат тизимининг иерархик жиҳатини тўқри тушуниш кўриб чиқиладиган тартибга солиш механизмнинг моҳиятини англаб етишда муҳим аҳамиятга эга.

Минтақавий фаолиятни оқилона бошқариш принциплари, шакллари ва усулларини ҳамда унинг ҳозирги ҳолати ва устувор йўналишларини яхши билиш давлатнинг Ўзбекистондаги маъмурий-ҳудудий тузилмаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг сифатини оширишга йўналтирилган маҳаллий сиёсатининг мазмуни ҳақида яхши тасаввур беради.

Минтақавий бошқарувни ташкил этишда муайян воситалардан фойдаланилади. Мамлакатлар марказий ҳукумати, ҳудудий ва маҳаллий органлари жойлардаги ўзаро фарқларни камайтиришда фойдаланиладиган воситалар турли хил бўлиши мумкин.

Бу воситаларни танлашда қуйидаги омилларга асосланади: мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи; давлат тузилмаси; ички муаммоларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; ҳукумат тепасида турган сиёсий партияларнинг мақсади ва бошқалар.

Минтақавий бошқарувнинг муаммоларни белгилаш ва уларни ҳал этишда мос воситаларни танлаш учун энг аввало ҳудудий беқарорликни келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш керак.

Ҳозирги кунда минтақамизни бошқарилишида у ёки бу даражадаги муаммолар мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат:

1) Чортоқ туманида иқтисодий статистика яхши йўлга қўйилмаган. Бунинг натижасида Чортоқ туманини иқтисодий жиҳатдан ривожланиб боришини белгилашда қийинчиликлар юзага келмоқда.

2) Чортоқ туманида маҳаллий ички бозорнинг тор доирада ташкил этилганлиги бозор субъектларининг иқтисодий фаолиятларини ташкил этишда қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

3) Ҳудудий қўламдаги инфратузилма соҳаси, айниқса, аҳолини электр энергия, ичимлик суви ва газ билан таъминлаш масаларида муаммолар кўп.

4) Маҳаллий бошқарув кадрларининг айримлари эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаганлиги бозор субъектларининг ўзаро иқтисодий алоқаларини тартиблаша муаммолар келтириб чиқаряпти.

Бизнингча минтақавий бошқариш қуйидаги асосий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим:

1) Чортоқ тумани ахборот-таҳлил бўлими фаолиятини кучайтириш лозим. Бу бўлимнинг кадрларини аттестациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки айнан шу бўлимда туманга тегишли статистика ишлаб чиқилади.

2) Ҳокимият ўтказадиган иқтисодий ислохотлар, тадбиркорларнинг маҳаллий шарт-шароитларга мослаштирилиши керак. Бунинг учун савдо ҳудудларини кенгайтириш имкониятларини яратиш лозим.

3) Ижтимоий инфратузилма фаолиятини кучайтирувчи механизмни жорий этиш муҳимдир. Бунинг учун марказий бошқарув органлари билан алоқалар ўрнатиб, етакчи мутахассислар ёрдамида фойдаланиш ва уларни туманга тақлиф қилиб туман шароитлари туғрисида тушунтиришлар олиб бориш чораларини кўриш лозим.

4) Ҳукумат ва маҳаллий органлар минтақавий бошқаришнинг бир-бирига мувофиқлаштирилиши борасида чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Энг муҳими эскича фикрлаш қолипидан чиқиш, яроқсиз планли-тақсимот тизими қолдиқларидан фойдаланмасликка қатъий амал қилиш зарур.

5) Ижтимоий-иқтисодий ҳолатни барқарорлаштириш йўлларини сақлаб қолишга эришиш лозим.

6) Ҳаёт даражаси, ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш шароитлари ўртасидаги ҳудудий фарқларни минималлаштириш керак.

Бу чора-тадбирларни минтақавий бошқаришнинг ҳозирги замон босқичи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши шарт. Шундагина минтақавий бошқаришнинг самарадорлигини таъминлашга бўлган имкониятларни тўла таъминлаган бўламиз. Бу эса минтақавий бошқаришни қулайлаштиришга олиб келади.

Фикримизча, Чортоқ тумани иқтисодиётини самарали бошқарилиши, ватанимиз иқтисодиётини бошқаришнинг бир бўлагидир. Шу боис, ҳар бир бошқарувчи шахс иқтисодиётни бошқаришда энг аввало ўзининг тажрибаси ва билимига таянади. Бу билим ва тажрибалар ҳозирги давр талабига жавоб бериши керак. Булар натижасида туман иқтисодиётининг ривожланишида катта ютуқларни қўлга киритиш мумкин.

Демак, ҳозирдан бошлаб минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак. Бироқ бу тадбирлар юқори суръатлар билан ўсаётган минтақаларнинг ривожланиш суръатларининг камайиши ҳисобига юз беришига йўл қўймаслик керак. деб ёзишни тўхтатасан. Мундоқ атрофингга қара Обиджон, яна нима ёзиш кераклигини кўр. Агар ёзувларинг тугаган бўлса дамингни ол.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар тўғрисида»ги Қонуни –Т.: «Адолат», 1992.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 24-сонли қарори. «Жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида». 2005. 10 март.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 29-сонли қарори. «2005-2006 йилларда қорхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида». 2005. 14 март.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» ги 5 январь 2003 йилдаги Қарори. «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами» №1-2, 2004 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» ги 3 сентябрь 1999 йилдаги Қарори. «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами» №9, 1999 й.
7. **Каримов И.А.** Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: «Ўзбекистон», 1993.
8. **Каримов И.А.** Ўзбекистон иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
9. **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
10. **Каримов И.А.** Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон» 1998.
11. **Каримов И.А.** Ҳалқимиз жипслиги - тинчлик ва тараққиёт гарови. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида маърузаси. «Маърифат» рўзномаси, 29.08.1998.
12. **Каримов И.А.** Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
13. **Каримов И.А.** Бизнинг мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96 б.
14. **Каримов И.А.** Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Ватанпарвар. 15 фев. 2008.
15. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
16. **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом этириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
17. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
18. **Каримов И.А.** Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
19. **Каримов И.А.** Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигиниянда юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -80 б.

20. Каримов И.А. Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
22. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
23. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
24. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
25. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
26. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
27. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
28. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.

2. Илмий адабиётлар

29. Белякова Г.Я. «Конкурентоспособность региональной экономики: концепция опережающего развития. Монография. –Красноярск: СибГТУ, 2001.
30. Вершигора Е.Е. Менеджмент. Учебное пособие. –М.: ИНФРА-М, 1998.
31. Валижонов Р.; Қобулов О. Менежмент асослари. –Т.: «Университет», 1997.
32. Веснин В.Р. Основы менеджмента. Учебник. –М.: «Триада- ЛТД», 1997.
33. Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник. –3-е изд., перераб. доп. –М.: ЮНИТИ, 2000. –501с.
34. Гольянов В.П. и др. Краткий курс менеджмента. Самара, 1992.
35. Гладкий Ю.Н., Чистобаев А.И. Основы региональной политики. –М.: изд-во Михайлова В.А., 1998, 659 бет.
36. Глухов В.В. Основы менеджмента. Учебно-справочное пособие. –СПб.: «Специальная Литература», 1995.
37. Глухов В.В. Менеджмент.: Учебник. –СПб.: «Специальная Литература», 1999. –700с.: ил.
38. Друкер П. Эффективный управляющий. –М.;1994.
39. Йулдошев З. Косимов М. Макроиктисодиёт асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
40. Кабаков В.С. и др. Менеджмент: Проблемы и решения. –Л., 1990.
41. Мескон М.; Алберт М.; Хедоури Ф. Основы менеджмента. –М.: 1995.
42. Максимцов М.М. и др. Менеджмент. Учебник для вузов –М.: ЮНИТИ, 1998.
43. Муниципальная экономика и менеджмент. Учебник. //Под ред. акад. Гулямова С.С., проф. Холмуминова Ш.Р., доц. Калановой М.З. –Т.: изд-во Литературного Фонда Союза писателей Узбекистана, 2003, 352 бет.
44. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. Пер. с англ. –М.: 1994.
45. Поршнев А.Г. Управление инновациями в условиях перехода к рынку. –М.: РИЦЛО «Мегополис-Контакт», 1993.
46. Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика: Пер с англ. –М.: Лаборатория Базовых Знаний, 2000.

47. Салиев А., Абдуназарова Н. Региональная экономическая политика развитых стран (на примере ЕС, США и Японии). «Рынок, деньги, кредит», 8 август 2003 г.
48. Тухлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. -Т.: Ўқитувчи. 1994.
49. **Фатхутдинов Р.А.** Разработка управленческого решения: Учебное пособие. -М.: ЗАО-1997.
50. **Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё.** Менежмент: Дарслик. -Т.: «Ўқитувчи», 2001.-704 б.
51. **Чжен. В.А.** Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.

3. Статистик маълумотлар

52. Чортоқ тумани Пасторти. 2013.
53. Чортоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. // Статистик йиллик тўплам. 2013.
54. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. // Статистик йиллик тўплам. 2012.
55. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. // Статистик йиллик тўплам. 2013.

4. Интернет манбалари

56. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.
57. www.ceep.uz.- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.
58. www.bearingpoint.uz.- USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.
59. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.
60. www.management.ru.- официальный сайт Российской компании «Консалтинговая группа МД».